



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 21 август, № 177-178 (7957-7958)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТАДБИРКОРЛАР – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРЛАРИ

Халқаро анжуманлар саройида 20 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқоти бўлиб ўтди.



Бундай шаклдаги учрашув Ватанимиз тарихида илк бор ўтказилди. Унда янги Ўзбекистондаги ислохотлар ва ўзгаришларга бефарқ бўлмай, ташаббус ва фаоллик кўрсатаётган тадбиркорлардан 600 нафари бевосита иштирок этган бўлса, 1 минг 800 нафари ҳудудларда, 8,5 минг нафари туман ва шаҳар студияларида, жами 10 мингдан ортиқ ишбилармонлар қатнашди.

Тадбирда, шунингдек, Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, барча вазирлик ва идоралар мутасаддилари иштирок этди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётининг устувор йўналиши этиб белгиланган. Сўнгги беш йилда бу соҳани ривожлантиришга қаратилган 2 мингга яқин қонун, Фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Уларга асосан, 114 та лицензия ва рухсатнома бекор қилинди, 33 та фаолият тури хабардор қилиш тартибига ўтказилди. Рухсатномаларни расмийлаштириш тартиблари соддалаштирилиб, муддатлари ўртача 2 баравар қисқартирилди. Ортиқча текширишлар, нақд пул, валюта ва хом ашё бўйича кўплаб чекловларга барҳам берилди.

Бундай қулайлик ва имконият-

лар натижасида янги субъектлар кескин кўпайиб, аввалдан ишлаётганлари фаолиятини кенгайтирмоқда. Охириги беш йилда тадбиркорлар сони қарийб 3 баравар ошди. Кўп ишбилармонлар ўз бизнесини бутун мамлакат миқёсида кенгайтириб, минглаб иш ўринлари яратиб, нуфузли йирик компанияларга айланди. Ички ва ташқи бозорда ўз нуфузи ва брендига эга тадбиркорлар синфи шакллана бошлади.

Мазкур очиқ мулоқотга тайёргарлик доирасида Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигида Республика штаби ташкил қилинди. Штаб 20 июлдан 10 августгача туну кун фаолият олиб борди. Унга тадбиркорлардан 15 мингдан зиёд мурожаатлар келиб тушди. Мурожаатлар кўплиги сабаб уларни қабул қилиш жараёни узайтирилди.

Мурожаатларнинг 40 фоизи бизнесни молиялаштириш, кредитлаш ва субсидия ажратиш, 21 фоизи ер ва бино ажратиш, 5 фоизи бизнесни бошлаш бўйича ҳолатлар, шунингдек, инфратузилмага улашиш, рухсатнома, лицензия олиш, солиқ тизими, савдо масалаларига тааллуқли. Бугунги кунгача уларнинг 12 мингдан ортиги, яъни 82 фоизда кўтарилган масалалар ижобий ечимини топган. Тадбиркорларнинг муаммолари, савол ва таклифларини ҳал этишда Наманган, Сур-

хондарё, Самарқанд, Бухоро вилоятлари намуна бўлди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан тадбиркорлар мурожаатлари билан ишлаш, уларнинг қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, шунингдек, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлашни кучайтириш мақсадида институционал тузилмалар шакллантирилди. Хусусан, Савдо-саноат палатаси, Бизнес омбудсман институтлари, Бош вазирнинг тадбиркорлар мурожаатларини қўриб чиқиш бўйича қабулхоналари фаолиятини йўлга қўйилди. Айни пайтда давлат хизматлари марказларида кўрсатилаётган 160 турдаги давлат хизматидан 75 таси бевосита тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ. Бу соҳа вакиллари фаолиятига янада енгиллик яратмоқда.

Президентимизнинг тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти мазкур йўналишда мутлақо янги ташаббус бўлди. Ишбилармонларимиз йиллаб орзиқиб кутган мазкур учрашув чинакам мулоқот майдонига айланди.

Давлатимиз раҳбари, аввало, азму шижоатли ва фидойи тадбиркорлар халқимизга мададкор бўлаётгани учун уларга миннатдорлик билдирди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.



ТАДБИРКОРЛИКНИ ЖАДАЛ ВА ЯНАДА КЕНГ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН БАРЧА ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ — ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАМИЗДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқи

Ҳурматли тадбиркорлар ва учрашувимиз иштирокчилари!

Авваламбор, бугун барчангизни соғ-саломат ва кўтаринки кайфиятда қўриб турганимдан беҳад хурсандман.

Хеч шубҳасиз, кейинги йилларда сизлар иқтисодиётимиз ва ислохотларимиз таянчига ҳамда локомотивига айландингиз, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Сиз каби ишнинг кўзини биладиган, ишбилармон юртдошларимиз тимсолида биз том маънодаги янги Ўзбекистон бунёдкорларини кўраемиз.

Бу ҳақда сўз юритганда, мамлакатимизда ҳар йили яратилаётган иш ўринларининг 90 фоизи хусусий сектор ҳиссасига тўғри келишини таъкидлаш лозим. Ҳозирги кунда ушбу тармоқда 5 миллиондан зиёд аҳоли, айниқса, ёшларимиз меҳнат қилаётгани унинг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ҳам ортиб бораётганини кўрсатади. Шу боисдан ҳам агар биз иқтисодиётимизни, ижтимоий соҳани янада юксалтирамиз десак, тадбиркорликни ривожлантириш учун

барча имконият ва шароитларни яратиш беришимиз зарур.

Албатта, кейинги 3-4 йилда тадбиркор учун кредит ва субсидия олиш, лицензия, кўчмас мулк ва ресурсларга эга бўлиш, экспорт каби масалаларда кўплаб янги имконият ва шароитларни яратдик. Ортиқча текширишлар, нақд пул, валюта ва хом ашё бўйича мавжуд чекловлар, тўсиқ ва ғовларнинг аксариятига барҳам берилди.

Энг асосийси, эл-юртимиз ўртасида ва давлат идораларида тадбиркорларга нисбатан муносабат ўзгарди, жамиятда уларнинг обрўси ва мавқеи кун сайин тобора ортиб бормоқда. Натижада ички ва ташқи бозорда ўз мустаҳкам ўрнига, нуфузи ва брендига эга бўлган ҳақиқий тадбиркорларимиз синфи шакллана бошлади.

Масалан, биргина Наманган вилоятида — “Chust Textile” (ака-ука Исмаиловлар), “Art Soft Holding” (ака-ука Бобохоновлар), Тошкент шаҳрида — “Techno export” (Шерзод Қосимов), Тошкент вилоятида — “New Way Industries” (Сардор Аббосхонов), Самарқандда —

“Oxalik Oltin Bog'i Mevasi” (Олим Солиев) каби корхоналар ўз фаолиятини “ноль”-дан бошлаб, ҳозирги кунда 10 — 15 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилмоқда. Айни пайтда уларнинг ҳар бири минглаб иш ўринларини яратиш, нуфузли йирик компанияларга айлангани диққатга сазовордир.

Таъкидлаш керакки, бундай юқори самарали фаолият кўрсатаётган корхоналар ҳар бир ҳудудда кўплаб топилади. Мисол учун, Андижонда — “Dinar tekstil” (Ҳадиятилло Тиллабоев), Қашқадарёда — “Bunyodkor” (Ғолиб Эркўлов), Сирдарёда — “Sirdaryo mega lyuks” (Муҳиддин Норматов), Фарғонада — “Fergana global textile” (Мўминжон Разаков), Хоразмда — “Xorazm tex” (Алишер Собиров), Жиззахда — “Sangzor tekstil” (Отабек Ҳўжаметов), Бухорода — “Parvoz ximo ravnaq trans” (Шермухаммад Очилов), Сурхондарёда — “Indenim klaster” (Шерзод Шоймардонов), Навоийда — “Baht-Textile” (Баҳриддин Мўминов) каби корхоналар, қисқа муддатда ишлаб чиқариш, экспорт ва иш ўринларини 10 — 15 баробар оширишга

эришганини алоҳида қайд этиб ўтмоқчиман.

Камол Абдуллаев, Қутлимурат Панаев, Муртазо Раҳматов, Улугбек Сотиболдиев, Улугбек Тўхтабоев, Мурод Ёқубов, Зафар Ҳошимов, Шавкат Жамолов, Мурод Назаров, ака-ука Мамасайдовлар, Фаррух Фузаилов, Бахтиёр Азизхўжаев, Фарҳод Мамажанов, Бекзод Маматқўлов, Бахтиёр Умаров каби нуфузли тадбиркорларимиз эса ўз бизнесларини бутун мамлакат миқёсида кенгайтириб бормоқда.

Ҳурматли тадбир иштирокчилари! Мен бугун ушбу залда ва жойлардаги студияларда қатнашаётган юзлаб тадбиркор ёшлар ва опа-сингилларимизни қўриб турганимдан бениҳоя хурсандман.

Биз кейинги 2 йилнинг ўзида фақатгина хотин-қизлар ва ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга 500 миллион доллар маблағ йўналтирдик. Улар ўз бизнесини бошлаши, жумладан, касб ва тадбиркорликни пухта ўрганиши учун барча шароитлар яратилди.

Намангандан — Анна Добрих, марғилонлик — Наргиза Аминова, хоразмлик —

Шахло Йўлдошева, Тошкент шаҳридан — Мунира Қориева, Мадина Аюпова, Тошкент вилоятидан — Наргиза Бекмуродова, сурхондарёлик — Муҳаббат Қаюмова каби юзлаб аёлларимиз бугунги кунда эл-юртимизга танилган тадбиркорга айландилар.

Сўнгги 5 йилда мамлакатимизда ёш тадбиркорлар 5 баробар кўпайиб, уларнинг сони 500 мингдан ошди.

Тадбиркор аёллар ва ёшлар сафини янада кенгайтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бундан кейин ҳам иқтисодий сиёсатимизнинг энг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Қадрли тадбиркор дўстларим!

Биз доимо изланиб, янгилликка интилиб яшайдиган тадбиркорларимизни, ўз ишига фидойи ва жонкуяр, ватанпарвар инсонлар деб биламиз ва уларни қадрлаймиз.

Айниқса, мураккаб пандемия давридаги синов ва қийинчиликлар пайтида ҳам халқимизга мададкор бўлиб, ўз бизнесини нафақат сақлаб қолган, балки янги иш ўринларини яратиш, муҳтожларга кўмак

бераётган ҳамда ишлаб чиқариш ва экспортни оширган тадбиркор дўстларимга бугун чин қалбимдан раҳматлар айтаман.

Ана шундай фаол ва фидойи тадбиркорларнинг 100 нафарига, чуқур миннатдорчилик рамзи сифатида, биринчи марта Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан миннатдорчилик хатини имзоладим.

Ана шу тадбиркорларимизнинг 50 нафари шу залда, яна 50 нафари эса ҳудудий студияларда қатнашмоқдалар.

Фурсатдан фойдаланиб, шундай эътирофга сазовор бўлган фидойи, ватанпарвар, соҳаватпеша ва ғайрат-шижоатли тадбиркор ва ишбилармонларга яна бир бор чуқур ташаккур билдираман ва сизларнинг сафингиз бутун мамлакатимиз бўйлаб кун сайин кенгайиб боришига астойдил ишонаман.

Азиз юртдошлар!

Бугун илк бор мутлақо янгича форматда — очиқ мулоқот шаклида сизлар билан юзма-юз учрашиб, бизнес соҳасидаги муаммо ва масалалар ҳақида батафсил гаплашиб олишга қарор қилдик.

(Давоми 2, 3-бетларда).



ТАДБИРКОРЛИКНИ ЖАДАЛ ВА ЯНАДА КЕНГ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН БАРЧА ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ — ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАМИЗДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очик мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқи

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хабарингиз бор, камбағалликни қисқартириш, маҳаллабай ишлаб, жойларда “ўсиш нукталари”ни аниклаш, иш-сизликни камайтириш, аҳоли даромадлари-ни ошириш бўйича катта марраларни белгилаб олганмиз. Бу борада давлат идоралари ва хизмат кўрсатувчи барча ташкилотлар тадбиркорлар билан ҳар кўни яқин ҳамкорликда ишлаб, уларга амалий ёрдам кўрсатиши шарт.

Бугунги мулоқотта тайёргарлик жараёнида кўплаб савол ва тақлифлар тушгани сабабли мурожаатларнинг қабул муддатини 1 августдан 10 августга қадар, яъни 10 кунга узайтиришга мажбур бўлдик. Тадбиркорлардан 15 мингдан ортиқ савол, тақлиф ва ташаббуслар келиб тушди ва шу кўнгача жойларда уларнинг кўпчилиги ҳал этилди.

Айниқса, Андижон, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида ишлар тизимли ташкил қилиниб, тадбиркорларимизнинг 90 фоиз муаммолари қисқа фурсатларда ҳал қилиб берилгани, албатта, қувонарли ҳол.

Қаерда муҳит яхши бўлса, ҳудуд ва тармоқ раҳбарлари Президент талабини тўғри тушунгач бўлса, ўша ерда иш ўс-луби, тадбиркорларга муносабат ўзгар-ган. Асқинча, тадбиркорнинг дарди билан яшамасдан, улар кўтарган муаммо-ларнинг ичига кирмасдан, кўмак берма-ган раҳбарлар фаолиятига эса ҳалқимиз-нинг ўзи баҳо беради ва бундай раҳбарларга бизнинг сафимизда ўрин йўқ ва келажақда ҳам шундай бўлади.

Бир нарсани барчамиз аниқ тушуниб олишимиз лозим. Тадбир-корларимизнинг ушбу мурожаатла-ри — амалдаги ислохотларимиз кўзгусидир. Шу боис ҳар бир вазир-лик ва идора раҳбари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари келиб тушган мурожа-атларни ўзларининг фаолиятига берил-ган баҳо, деб билишлари, бундан тўғри хулоса чиқариб, мазкур йўналишда кес-кин ўзгаришлар қилишлари зарур ва шарт. Ташаббус кўрсата олмайдиган, янги-янги гояларни кўтариб чиқадиган, ўзгариш қилишга интилиши бўлмаган раҳбарлар-га нисбатан талаб ва чоралар жуда қаттиқ бўлади.

Хурматли бизнес вакиллари! Мен сизлар томонингиздан кўтарил-ган масалалар билан атрофчиқа тани-шиб чикдим. Шу боис сизларни қўйнаёт-ган барча муаммо ва саволлардан тўла хабардорман.

Бугунги кўнга қадар энг долзарб муаммоларни тизимлаштириб, уларни ҳал этишга қаратилган 7 та муҳим йўналиш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқдик. Бугун сизлар билан биргаликда уларни батафсил муҳокама қилиб олмақ-чимиз.

Биринчи йўналиш. Сизлардан кели-б тушган мурожаатларнинг 40 фоизи бизнесни молиялаштириш ва молия-кре-дит масалалари билан боғлиқ. Ушбу му-рожаатларнинг асосий қисмида кредит ставкаларининг юқорилиги ва кўплаб кре-дитларнинг қисқа муддатга, тадбиркор учун нуқуллай шартларда берилётгани қайд этилган.

Масалан, Ургутда электр техникаси мах-сулотларини ишлаб чиқарадиган “Sam Elektro Servis” корхонаси икки ярим ми-лиард сўм кредитни 3 йил муддатга ол-гани, корхона фойда билан ишлаши учун эса унга камида 5 йил муддат керакли-гини таъкидлаган.

Ҳақиқатан ҳам, тан олиб айтишимиз керак, тадбиркорларга бугунги кўнда берилётган аксарият кредитларнинг муддати 3 йилдан ошмайди.

Шунингдек, банклар томонидан 18 мингга яқин тадбиркорга йиллик 8 — 10 фоизда хорижий валютада берил-ган кредит, валюта курсининг мўнтазам ўсиши ҳисобидан, қўшимча харажатларни юзага келтирмоқда. Бу ҳақда мингдан ортиқ мурожаатлар келиб тушгани ҳам ушбу масалалар тадбиркорликни ривож-лантириш йўлида оғир юк, тўсиқ бўлиб турганини кўрсатмоқда. Шу боис тижорат банкларининг узок муддатли ресурс ба-заси ва кредитларнинг мақбул фоиз став-каларини шакллантириш бўйича кечикти-риб бўлмайдиган чораларни кўришимиз талаб этилади.

Биринчидан, банкларнинг капитали-ни ошириш бўйича қўшимча имкониятлар ишга солинади. Бунинг учун келгуси йил-да банкларга Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан бозор тамойиллари бўй-ича қўшимча 600 миллион доллар ажрати-лади. Бу маблағлар танлов асосида, ҳам давлат, ҳам хусусий банкларга жой-лаштирилади.

Қайси банк энг яхши бизнес режа, қайтими юқори ва энг кўп иш ўрни яратадиган лойиҳаларни тақдим этса, ушбу маблағлар ана шу банкларга ажратилиди.

Иккинчидан, юқорида қайд этилган маблағларни жалб этмоқчи бўлган банк-нинг ўзи ҳам ташки ва ички молия бозорларидан камида 30 фоиз қўшимча ресурслар жалб қилади. Жумладан, банклар томонидан келгуси йили халқаро молия бозорларида миллий валютада 5 триллион сўмлик евробондлар чиқари-лади.

Шунингдек, Ўзбекистон бозорида иш-лашга тайёр, замонавий технологиялар-га эга бўлган йирик хорижий банклар-

нинг юртимизга кириб келиши учун кенг имкониятлар яратамиз. Бу ҳам, ўз нав-батда, тадбиркорларимиз учун қўлай ша-роитлар тақдим этади ва банк тизимида биз учун низоҳатда керак бўлган соғлом рақобат пайдо бўлади.

Бугунги йиғилишда қатнашаётган ҳар бир банк раҳбари “тобора кучайиб бо-раётган рақобатга муносиб бўлиш ҳамда тадбиркорларни рози қилиш учун нимани ўзгартиришим керак”, деган саволни ўзига бериши ва жиддий хулоса қилиши лозим.

Учинчидан, банклар четдан ресурс-ни қандай валютада жалб этишидан қатъи назар, тадбиркорларга кредитини миллий валюта — сўмда ва бизнес вакиллари учун мақбул фоизларда бериш тизими йўлга қўйилади.

Хорижий валютада кредит олган ва бу-гун қўйин ахволга тушиб қолган юзлаб тадбиркорларимиз ушбу масалани ўз му-рожаатларида кўтарганлар. Шу боис Мо-лия вазирлиги ҳузурида Валюта хатарла-рини бошқариш компанияси ва ҳудудларда унинг филиаллари ташкил этилади. Ушбу компания банклар томонидан чет эл валютасида жалб қилинаётган маблағ-ларни сўмга ўтказиб, кредитни ички бо-зорда фақат миллий валютада бериш учун зарур шароит яратади.

Ўнда қилиб айтганда, бундан буён доллар ёки евро курсининг ошиши тад-биркор учун қўшимча муаммо ёки ортиқ-ча харажатларни юзага келтирмайди. Мазкур компания барча ҳудуд ва тармоқлар билан яқин ҳамкорликда ишлайди.

Тўртинчидан, бундан буён Ҳукумат томонидан халқаро молия ташкилотлари-дан жалб қилинаётган имтиёзли маблағ-лар ҳисобидан банкларга бериладиган кредитларнинг муддатини чеклаш амалиёти бекор қилинади.

Ушбу масала ечимига Бош вазир ўринбосари, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.Қўчқоров, молия вазири Т.Ишметов, Марказий банк раиси М.Нурмуродов шахсан масъул бўлади.

Бешинчидан, жорий йил 1 октябр-дан бошлаб илгари 1 миллион долларга-ча хорижий валютада олинган 6 мингга яқин тадбиркорнинг жами 1 миллиард до-лларга яқин кредитлари, тадбиркор ва ти-жорат банклари ўртасидаги келишувга асосан миллий валютага ўтказиб бери-лади.

Умуман, юқорида тақлиф этилаётган механизмлар ҳисобидан тижорат банк-ларида ҳар йили ўртача 30 — 40 трилли-он сўмлик миллий валютадаги узок муд-датли қўшимча ресурслар шаклланади. Бу-нинг ҳисобидан тадбиркорлар миллий ва-лютадаги кредитларни узок муддатда ва ҳозирги ставкалардан камида 6 фоиз ар-зон олиш имкониятига эга бўлади.

Ўйлаيمانки, бундай янги имкониятлар мамлакатимизда тадбиркорликнинг ривож-ига қўли туртки беради.

Хурматли тадбиркорлар!

Мен яхши тушунаман, ҳамма арзон кредит олишни хоҳлайди. Лекин кредит бўйича фоиз ставкаларини сунъий пайсай-тирсак, пул-кредит бозоридаги мўвозза-бат бўзилади. Шунинг учун иқтисодиётга арзон кредит берамиз деб, макроиқти-содий барқарорликни унутиб қўймасли-гимиз лозим. Барқарорлик бўлмаса, иқти-содий ўсиш бўйича қўлаган мақсадлар-римизга эриша олмаймиз.

Бу борада фоиз ставкаларига бево-сита таъсир этадиган инфляцияни, яна такорр айтман, инфляцияни пайсаятириш ҳамда банк орқали кредитлаш жараёнини тўлиқ бозор механизмларига ўтказишга қаратилган ишларни изчил давом этти-рамиз.

Замонавий бозор тамойилларида иш-лаш уҳуми ҳудудларда банклар лойиҳа фаб-рикалари ва тадбиркорликка ўқитиш мар-казларини ташкил этиб, хорижий мута-хассисларни жалб қилмоқда. Ушбу мар-казлар тадбиркорларга, айниқса, ёшлар-га ўз гояларини амалиётга татбиқ этиш, бизнес режаларни ишлаб чиқиш, маб-лағлар жалб қилишга ёрдамлашди ҳамда уларга бизнес жараёнининг барча зан-жирда қўмақдор бўлади.

Умуман, инфляция даражасини жорий йилда 10 фоизга, келгуси икки йилда 5 фоизга туширишни режа қилганмиз. Бу эса табиий равишда кредит ставкалари-ни ҳам мақбул даражага тушириш ва муд-датини узайтириш имконини беради.

Олтинчидан, ислохотларимиз учун ўта муҳим бўлган оилавий тадбиркорлик йўналишида ҳам 2 мингга яқин мурожа-атлар келиб тушган. Энди бу янги тизимда одамларимиз тадбиркорлик учун кредит оламан деб ҳокимиятга, банкка ёки бошқа идорага бориб юрмайди, асбоб-ускуналарни сотиб олиш учун таъминотчини қаердан топаман, деб, бош қотиришга зарурат қолмайди.

Кредитни расмийлаштиришдан тортиб, махсулотни олиш ва сотишгача бўлган барча жараёнлар электрон тарзда, он-лайн шаклида ҳал этилади. Ўз навбати-да, ушбу платформа таъминотчи корхо-налар учун ҳам камида 10 триллион сўмлик бозор яратади. Яъни таъминотчи-лар учун ўзлари ишлаб чиқарган асбоб-ускуналар, хом ашё ва тайёр махсулот-ларни тўғридан-тўғри сотиш имконияти яратилади.

Иқтисодий комплекс раҳбарлари — Бош вазир ўринбосари Ж.Қўчқоров, Марказий

банк раиси М.Нурмуродов, тижорат банк-лари уч ой муддатда жойларда тадбиркор ва аҳолиимизга ушбу қўлайликларни ат-рофчиқа тушунтириб, ундан самарали фойдаланишни йўлга қўйишни ташкил этишлари зарур. Бу борада ишни маҳал-лабай ташкил этиш бўйича Андижон таж-рибасини бозор мамлакат бўйлаб кенг қўллаш лозим бўлади.

Еттинчидан, кўплаб мурожаатларда бизнесни молиялаштириш мабларларини янада кўпайтириш мақсадида банкдан ташқари кредит ташкилотларини очиш ва юритишга бўлган мавжуд талабларни ка-майтириш ва енгиллаштириш сўралган. Бу масала Андижондан “Almaz Finans” корхонаси раҳбари Олимжон Охунов ва Жиззахдан “Diamond-N Trade Capital” кор-хонаси раҳбари Шерзод Соатовнинг му-рожаатларида ҳам кўтарилган.

Бу тақлифлар бизга жуда маъқул. Шу-нинг учун жорий йил 1 октябрдан микро-молия ташкилотларини лицензиялаш тар-тиби тўлиқ бекор қилинади. Энди улар ўз фаолиятини бошлаши учун фақатгина Мар-казий банк реестрига киришлари қифоя.

Шунингдек, бундан буён уларга касса учун ҳоналар ташкил этиш, ҳудудларда филиаллар очишда Марказий банкнинг розилигини олиш шарт бўлмайди. Улар томонидан тадбиркорларга бериладиган микрокредит (300 миллион сўм) ва ми-кролизинг (600 миллион сўм) учун амал-даги чекловлар ҳам олиб ташланади.

Шу билан бирга, микромолия ташки-лотларида бошқа ташкилотлардан маб-лағлар жалб этиш, облигациялар чиқари-ш ҳуқуқлари ҳам берилади. Шунингдек, ушбу ташкилотлар, худди банклар каби, тўловларни қабул қилиш ваколатига ҳам эга бўлади.

Умуман, ушбу янги имкониятлар ҳисо-бидан ҳам кредит бозорига тадбиркор-ларимиз учун йилига қўшимча 10 трил-лион сўм маблағ шаклланади.

Иккинчи йўналиш — солиқ тизи-мини тақомиллаштириш, бизнесга солиқ юқини имкон қадар камайтиришга оид. Маълумки, сўнгги уч йилда солиқлар тури 16 тандан 9 гага қисқарди.

Кўпчилигининг эсидан чиққан бўлиши мумкин, ақингача Пенсия, Мактаб ва Йўл жамғармаларига бизнес учун оғир юк бўлган 3,2 фоизли йиғимлар тўланар эди. Ушбу йиғимлар корхоналарнинг фойда-сидан қатъи назар, оборотдан олиниб, уларнинг микдори корхоналарнинг ками-да 20 — 25 фоиз фойдасига тенг бўлган. Бюджетдан ташқари жамғармаларга мазкур йиғимларни бекор қилиш ҳисоби-дан 7 мингга яқин корхоналар ҳар йили ўртача 6 триллион сўм солиқ тўлашдан овоз бўлди. Масалан, биргина “Andijonkabel” корхонаси ихтиёрида 11 миллиард сўм, “Lactalis Agro” қўшма корхонасида эса 3 миллиард сўм маблағ қоладиган бўлди.

Мол-мулк, даромад солиғи ва ижти-мой солиқлар ставкалари 2 баробар ка-майтирилди.

Аниқ мисоллар билан гапирадиган бўлсак, транспорт соҳасида солиқ юки — 3 баробар, озиқ-овқат саноатида — 2 баробар, тўқимачилик ва электр техни-каси саноатида эса 20 фоизгача ка-майди.

Айниқса, пандемия даврида харажат-ларимиз кескин ошганига қарамасдан, қўшилган қиймат солиғи 20 фоиздан 15 фоизга туширилди, кўпроқ зарар қўрган тармоқларга ижтимоий солиқ 12 фоиздан 1 фоизга пайсаятирилиб, мол-мулк ва ер солиқлари тўловларидан буткул воз ке-чилди. Бу эса, ўз навбатида, тадбиркор-лар ихтиёрида қолган 2 триллион сўм маб-лағни бизнес фаолиятига сарфлаш им-конини берди. Лекин солиқ ставкалари ва солиқ маъмуричилиги бўйича тадбир-корлар томонидан кўтарилаётган ҳақли саволлар ҳали жуда кўп.

Биринчидан, ўтган йили янги Солиқ кодекси амалга қиритилганидан кейин 23 та махсус иқтисодий зона иштирокчи-лари аввалги имтиёзларимиз сканлиб қоладими ёки йўқми, деб безовта бўлмоқ-да. Ушбу масалалда махсус иқтисодий зоналар иштирокчилари бўлган Сирдарё-дан — “AWP” қўшма корхонаси (*Комил Мирзаев*), Тошкент вилоятидаги — “Steel Pipe Company” (*Азизхон Ҳафизхонов*) каби 70 дан зиёд корхона вакиллари мурожаат қилган.

Бу борада бир фикрни аниқ қилиб айт-моқчиман: 2020 йил февраль ойида “Мах-сус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонун қабул қилингунча қадар иқтисодий зона-ларда рўйхатдан ўтган тадбиркорларга берилган имтиёзлар сақлаб қолинади. Бунга қўнун билан қабуллат берилган. Жумладан, ушбу тадбиркорлар инвести-ция микдоридан келиб чиқиб, мол-мулк, ер ва сув солиқларидан 10 йилгача овоз қилинган эди.

Энди ушбу имтиёзларга фойда солиғи ҳам қўйилади ва корхоналар ихтиёрида йилига қарий 300 миллиард сўм маблағ қолади. Масалан, “Сирдарё” эркин иқти-содий зонасидаги “Temur Med Farm” кор-хонаси ўтган 6 ойда 4 миллиард сўм фой-да солиғи тўлаган бўлса, иккинчи ярим йилликда эса камида шунча маблағ унинг ўзида қолади.

Шунингдек, ички бозорда тенг рақо-бат бўлиши учун экспорт махсулотлари ишлаб чиқаришга олиб келинган хом ашё импорт божидан овозд этилади. Мисол учун, “Жиззах” эркин иқтисодий зонаси-да жойлашган “Jizzax Toshtepa Textile” кор-

хонаси махсулотини тўлиқ экспортга со-тади. Бу имтиёз ёвзасига ушбу корхона олиб келган 1 миллион долларлик хом ашё ва яримтайёр махсулотга 2,2 мил-лиард сўмлик божхона имтиёзи берилади.

Айни пайтда бир нарсани аниқ тушу-ниб олиш лозим. Биз қўшилган қиймат солиғининг узлуқсиз занжирини яратиш бўйича катта ислохотларни олиб борап-миз. Шу боис махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига қўшилган қиймат соли-ғининг ортиқча қисмини 7 кун ичида қай-тариб бериш тартиби жорий қилинади. Бундай тартиб тадбиркорларга бир йил-да ўртача 350 миллиард сўм қўшилган қиймат солиғини қисқа муддатда қайта-риб олиш ва айланма маблағларини кўпайтириш имкониятини беради.

Бундан ташқари, четдан олиб келин-ган товарлар учун қўшилган қиймат со-лиғини 120 кун давомида бўлиб-бўлиб тўлашда тадбиркорларга фоиэ ҳисоблан-майди ва гаров талаб этилмайди.

Иккинчидан, мамлакатимизда қури-лиш соҳасида ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Махсулот таннархини камайтириш бўйича Тошкент шаҳридаги “Shah-Polan M”, Фарғонадаги “Farg’ona Yasin Qurilish Mollagi” каби 50 дан зиёд қурилиш мате-риаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар-дан тақлифлар келиб тушган. Масалан, ер қарьидан фойдаланганлик учун солиқ цементнинг таннарҳида — 14 фоиз, ас-фальтда — 10 фоиз, қум-шағал аралаш-масида — 7 фоизни ташкил этади.

Шу боис норуда қозилмаларга (қум-шағал, оҳақтош, гипс, доломит каби) ер қарьидан фойдаланганлик учун солиқ став-каси 2 баробар камайтирилган. Бунинг ҳисобидан 1,5 мингга яқин корхоналар ихтиёрида йилига 500 миллиард сўм маб-лағ қолади. Масалан, “Нухаин Cement Jizzakh” қўшма корхонаси ўз ихтиёрида қолган 27 миллиард сўм маблағни ўз фа-лютини янада кенгайтиришга сарфлаши мумкин бўлади.

Учинчидан, биз хизматлар соҳаси-ни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Қисқа муддатда янги иш ўринларини яратадиган соҳалардан бири ҳам сервис соҳаси ҳисобланади.

Мана, пандемия ҳануз давом этипти ва бу хизматлар соҳаси, айниқса, умум-ий овқатланиш ва туризм корхоналари учун қанчалик оғир бўлаётганини барча-миз кўриб турибмиз, албатта.

Бу борада умумий овқатланиш ва туризм корхоналаридан ўтган йили берилган имтиёзларни узайтириш бўйи-ча 300 дан ортиқ мурожаатлар келиб туш-ган. Шу боис жами 13 мингта умумий овқатланиш корхонасини йил якунига қадар ер ва мулк солиғидан овоз қила-миз. Бу имконият уларга 30 миллиард сўм қўшимча қўмак деганидир. Уларнинг бошқа солиқлардан мавжуд 35 миллиард сўм қарзлари бўйича тўлов муддатлари жорий йил якунигача узайтирилади, кре-дитларини қайтариш ҳам кечиктирилади.

Шу билан бирга, туризм компанияла-ри ва меҳмонхоналарни туристик йиғим-лардан 2 йил муддатга овоз қилсак, нима дейсизлар? Бу — ҳозирги қўйин шароит-да тушуми камайиб кетган 2 минг нафар тадбиркор ихтиёрида 150 миллиард сўм қолади, дегани.

Тўртинчидан, бугунги кўнда 5 мингга яқин тадбиркорлик субъектларининг тақши савдо операциялари бўйича дебитор қарздорлиги мавжуд.

Пандемия сабабли ушбу тадбиркор-ларга жарима солиш ва ҳозирги пайтга-ча қўлланган 6 триллион сўмлик жарима-ларни ундириш жорий йил якунига қадар тўхтатилади.

Бешинчидан, солиқ маъмуричилиғи-ни соддалаштириш, солиқ идораларининг назорат функцияларини тақомиллаштириш юзасидан жиддий чораларни амалга оширишимиз зарур.

Келгуси йил 1 январдан бошлаб солиқ идоралари ўз электрон дастурлари орка-ли бизнес субъектларига ҳисоботларини шакллантириш хизматини йўлга қўяди.

Ҳозирги вақтда 228 мингта қичқ тад-биркорларда бухгалтер йўқ. Оқибатда солиқ ҳисоботларини камчиликлар билан топишган 32 мингга яқин тадбиркорга молиявий жарима солинган.

Ҳисоботларни кечиктириб топириш билан боғлиқ молиявий санкцияларни қўллаш тартиби эса тўлиқ бекор қили-нади.

Шунингдек, солиқ идоралари қўлаёт-ган айрим жарималар сони ва микдори-нинг ортгани мени хавотирга солмоқда. Ўтган йили камарал назорати натижаси-да 336 та корхонага 51 миллиард сўм молиявий жарима қўлланган бўлса, жорий йилнинг 6 ойда 3 мингдан зиёд тадбир-корларга 900 миллиард сўмдан ортиқ жарима белгиланган.

Шунинг учун Бош вазир ўринбосари Ж.Қўчқоров, молия вазири Т.Ишметов, Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш.Қудбиев, адлия вазири Р.Давлетов, Бизнес-оубудсман Д.Қосимов бир ой муддатда солиқ идораларининг камерал назорати натижасига қўра молиявий жарима қўллаш амалиётини бекор қилиш бўйича тақлиф киритсин.

Олтинчидан, амалдаги тартибга би-ноан, тадбиркорлар қўшилган қиймат со-лиғи бўйича ҳисобот топириш билан бирга, ундаги фарқни қайтариш учун солиқ идораларига алоҳида мурожаат қилишга мажбур. Бу — 14 минг тадбиркорнинг

фаолиятига бевоосита боғлиқ бўлиб, улар учун қўшимча вақт, ортиқча сарсонгарчи-лик, дегани.

Молия вазири Т.Ишметов, Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш.Қудбиев бу ма-салани чуқур ўрганиб, келгуси йилдан бошлаб қўшилган қиймат солиғини қўшимча ҳужжатсиз қайтариш тартибини амалиётга жорий этсин.

Еттинчидан, “SAG Agro” корхонаси раҳбари Камол Абдуллаев ва бошқа 200 дан ортиқ тадбиркорлар солиқ ва божхона идораларига тўланган қўшил-ган қиймат солиғини “зачёт”га олиш, яъни ўзаро ҳисоб-китоб қилиш имко-ниятини сўраган.

“SAG Agro” корхонасининг солиқ ба-засида 700 миллион сўм ортиқча тўлови бўлатуриб, божхонада 1,4 миллиард сўм тўлашга мажбур бўлган. Шунинг учун кел-гуси йилдан бошлаб қўшилган қиймат со-лиғини ҳисобга олишда солиқ ва божхо-на идораларининг электрон базалари ўзаро боғланади. Яъни, солиқ идорала-рида қўшилган қиймат солиғи бўйича мав-жуд ортиқча тўловлар божхона тўловла-рини амалга ошираётганда ҳам инобатга олинади. Ушбу енгилликдан 10 мингдан зиёд тадбиркор фойдаланиши мумкин бўлади.

Учинчи йўналиш. Тадбиркорларни энг кўп қўйнаётган муаммолардан яна бири — ер ажратishi масаласи бўйича 4 мингдан зиёд мурожаатлар келиб тушган.

Жорий йилда ушбу йўналишда катта ислохотларни бошладик. Бу борада Олий Махлиси палаталари томонидан маъқул-ланган қонунни қўни кеча имзоладим. Бу ҳужжатнинг қабул қилиниши мамлаката-мининг янги тарихида ислохотлар йўли-даги энг катта қадамлардан бири бўлди, деб ҳеч бир муболағасиз айта оламиз. Мана шу ислохотларнинг маъно-мазму-нини тармоқ ва ҳудуд раҳбарлари ҳам, тадбиркорлар ҳам, аҳолиимиз ҳам яхши тушуниб олишлари зарур.

Биринчидан, ерларни иқтисодий оборотга қиритиш, уларни олди-соти-ди ва гаров объектига айлантириш учун му-стаҳкам ҳуқуқий замин яратилиди.

Иккинчидан, биз барча ерларни икки тоифага, яъни қишлоқ ҳўжалиғи ерлари ва қишлоқ ҳўжалиғига кирмайдиган ер-ларга ажратдик.

Қишлоқ ҳўжалиғи ерлари — бизнинг бебаҳо миллий бойлиғимиз, бу — озиқ-овқат хавфсизлигининг асоси, оддий қишлоқ аҳолисининг қўндалик ҳаёти, де-гани. Шунинг учун ушбу ерлар очик тан-лов асосида фақат ижарага берилади. Танлов — ҳар бир ер участкаси бўйича “ё ерни олишга қим энг кўп ҳақли?” деган саволга адолатли жавоб топиш учун ўтказилади.

Бу танловда барча — деҳқон ҳам, фер-мер ҳам, агрофирма ва кластерлар ҳам тенг шартларда иштирок этади.

Учинчидан, қишлоқ ҳўжалиғига кир-майдиган ер майдонлари эса фақат аук-цион орқали сотилади.

Биз сўнгги бир ярим йил давомида ерларни аукцион орқали очик-ошқора сотиш бўйича етарли тажриба ортирдик. Лекин тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ак-сарият ҳолларда аукционга қўйилган ер майдонлари тадбиркорга маъқул жойлар-дан эмас, балки олис, чекка ҳудудлар-дан, инфратузилмаси бўлмаган жойлар-дан берилган.

Яхши ер майдонлари эса, ҳар хил йўллар билан ҳокимлар қарори асосида тўғридан-тўғри бериб келингани ҳам ҳеч қимга сир эмас.

Бундан буён ер

ТАДБИРКОРЛИКНИ ЖАДАЛ ВА ЯНАДА КЕНГ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН БАРЧА ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ — ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАМИЗДИР

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқи

◄ (Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

Тўртинчидан, электр тармоқларига уланishiдаги жараёнларнинг мураккабли- ги, мuddатларини узоклиги ва харажат- ларнинг юкориликни тадбиркорларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Масалан, истеъмолчиларнинг 75 фоизи 20 киловаттгача қувватли электр ишла- тадиган кичик цехлар, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ҳисобланади. Лекин уларга ҳам худди йирик корхона- лар билан бир хил талаблар қўйилган.

Мисол учун оддий савдо дўконини электр тармоғига улаш учун 4 та босқич- дан ўтиш, 7 миллион сўм харажат ва бунга камида бир ой вақт талаб этилади.

Энергетика вазирлиги томонидан кел- гуси йил бошидан ушбу масалада янги қулай тизим жорий этилади. Бунда электр тармоғига уланиш тўлиқ электрон плат- формага ўтказилади ва барча жараёнлар бир босқичга туширилади.

Тадбиркорларни электр тармоғига улаш мuddати 20 киловаттгача бўлган қувватлар учун — 10 кун, 50 киловаттли қувватлар учун эса 20 кун этиб белгила- нади.

Агар электр таъминоти корхонаси иш- ларни мuddатида ақунламаса, улар тад- биркорларга компенсация тўлайди. Бу ишлар Давлат хизматлари марказлари орқали ташкил этилиб, мунтазам назо- рат қилиб борилади.

Умуман, тадбиркорларни керакли ҳажм- да энергия ресурслари билан таъмин- лаш масъулияти ва жавобгарлиги Энер- гетика вазирлиги зиммасига юкланиши- ни кунун билан мустаҳкамлаб қўямиз.

Бешинчи йўналиш. Экспортёр кор- хоналарини қўллаб-қувватлаш, кичик биз- несни экспорт фаолиятига кенг жалб этиш борасида ҳам бошлаган ислохотларимиз қатъий давом эттирилади.

Биринчидан, ўтган йили пандемия даврида тўқимачилик корхоналарига экс- портдан валюта тушумини кутмасдан, қўшилган қиймат солигини қайтариб бериш тартиби амалда ўз самарасини берди.

Ўтган йили 482 та корхонага қарийб 2 триллион сўм қайтарилган. Бу янгилик ҳам янги тарихимизда биринчи марта бўляпти. Жорий йил 1 октябрдан ушбу тартиб барча тармоқларнинг ҳалол иш- лайдиган ва интизомли бошқа экспор- тёрларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Иккинчидан, қўллаб қувват қилув- чи корхоналарнинг асосий муаммолари- дан бири, бу — айланма маблағ етиш- маслигидир.

Ушбу масалани 300 дан зиёд тадбир- корлардан келиб тушган мурожаатларида ҳам қўриш мумкин. Шунинг учун ўтган йили Экспортни қўллаб-қувватлаш жам- гармаси ташкил этилиб, экспорт учун 1 миллион долларгача молиялаштириш механизмлари йўлга қўйилди. Бу тизим- дан 200 та корхона унумли фойдаланиб, қўшимча 210 миллион долларлик махсу- лотларини четга экспорт қилди. Энди бу имкониятлар янада кенгайтирилиб, йили- га 20 миллион доллардан ортиқ экспорт қилувчи корхоналарга 5 миллион доллар- гача имтиёзли кредитлар ажратилади.

Учинчидан, қўллаб тадбиркорлар юқори сифат ва назорат тизимига эга бўлган мамлакатлардан (Европа Иттифоқи, АҚШ, Япония, Жанубий Корея

каби) сертификатланган асбоб-ускуна ва хом ашёларни олиб келганида, миллий сертификат олиш талаби маъжудлигини эътироз сифатида қайд этишган. Маса- лан, асбоб-ускуналар ва хом ашёга сер- тификат олишда 2-3 миллион сўм хара- жат, 5 — 10 кун мuddат талаб этилади.

Шу боис Бош вазир ўринбосари С.Умурзоков бошчилигидаги комиссия бир ой мuddатда бундай давлатлар рўйхатини шакллантириб, уларда сертификат берил- ган асбоб-ускуна ва хом ашёларга мил- лий сертификат олиш амалиётини бекор қилиш бўйича қарор лойиҳасини кирит- син.

Тўртинчидан, ишлаб чиқарилаётган саноат махсулотлари рақобатбардошли- гини ошириш ҳамда таннархи камайти- риш максасида божхона божлари 2 ба- робар пасайтирилганидан барчангиз хабардорсиз.

Шу билан бирга, “Milk Euro Food” (Тош- кент вилояти), “SDK Group And” (Анди- жон), “Wool Teks Inter” (Тошкент шаҳри) каби корхоналар томонидан ҳозирги кун- да олиб келинаётган хом ашё импорти учун бож ставкалари тайёр махсулотга қараганда юқори экани қайд этилган. Яъни базми турдаги махсулотларини ишлаб чиқаришдан кўра, четдан олиб келиш тад- биркорга арзонроқ бўлмоқда.

Шунинг учун Бош вазир ўринбосари С.Умурзоков бошчилигидаги Ҳукумат ко- миссияси бир ой мuddатда хом ашё ва яримтайёр махсулотлар учун импорт божи ставкаларини пасайтириш бўйича қарор лойиҳасини киритсин.

Олтинчи йўналиш. Махсулотлари- миз рақобатбардош бўлиши, янги бозор- ларга чиқиши, умуман, худудлараро сав- до ва кооперация алоқаларини болғашда транспорт-логистика масалалари муҳим- лигини сизлар ҳаммадан яхши тушуна- сизлар.

Бу борада транспорт коридорларини ривожлантириш, юкларни божхона орқа- ли ўтказишни соддалаштириш ва рақам- лаштириш, транспорт харажатларини қисман қоплаш тизимини йўлга қўйди. Бу тизим орқали, йил бошидан бўён 3 мингдан зиёд экспортёрларга 200 мил- лиард сўмлик молиявий ёрдам кўрсатил- гани туфайли қарийб 800 миллион дол- ларлик экспорт амалга оширилди. Йил якунига қадар ушбу корхоналар томони- дан экспорт ҳажмини 2 миллиард дол- ларга етказиш бўйича тизимли ишларни иччил давом эттирамиз.

Бунинг учун, **биринчидан**, юк авто- мобилларини олиб киришга 2 йил аввал божхона имтиёзлари берганимиз ҳисо- бидан автотранспортда ташиш хизмат- лари 2 баробар арзонлашди, юк ҳажми эса 1,5 марта ошди. Лекин бу имтиёз 4 ойдан кейин тугайди. Шу боис 40 дан зиёд тадбиркорлар ушбу божхона имти- ёзларини узайтириш бўйича ўз тақлиф- ларини билдирган. Айни шун инобатда олиб, имтиёзларни яна 3 йилга узайти- риш бўйича куни кеча янги қарорни имзолдим.

Иккинчидан, “Polvontosh” (Сурхон- дарё), “Afrosiyob Parranda” (Самарқанд) корхоналари раҳбарлари ички ва ташки темир йўл тарифлари ўртасида катта фарқ борлиги, яъни халқаро ташувлар нархи анча юқори эканини билдирганлар.

Шу бои Транспорт вазирлиги Молия вазирлиги ва Монополияга қарши

кураишиш қўмитаси билан бирга, икки ой мuddатда темир йўл тарифларини қайта қўриб чиқсин. Бунда тадбиркорларга ўзи- мизда ишлаб чиқарилмайдиган хом ашё импорти учун амалдаги тарифлар камида 25 фоиз арзон бўлиши керак.

Шунингдек, Транспорт вазирлиги кел- гуси йил 1 январдан бошлаб ҳар бир хизматнинг таннархи ва унинг таркибини кенг жамоатчиликка эълон қилиб боради.

Учинчидан, темир йўл соҳасида кел- гуси 5 йил учун 7 мингдан зиёд юк ва- гонларига эҳтиёж мавжуд. Бу муаммони давлат томонидан эмас, балки худди электр энергияси ёки цемент ишлаб чиқаришда бўлганидек, фақат ва фақат хусусий секторни жалб этиш орқали ижо- бий ҳал қилиш мумкин.

Шунинг учун келгуси йилда ўз вағони ва контейнерига эга бўлган хусусий ло- гистика операторлари фаолияти йўлга қўйилади ва тарифлар иккига ажратила- ди. Бунда давлат томонидан фақатгина темир йўл инфратузилмаси ҳақда локо- мотив хизматлари тартибга солинади, юк вагонлари хизмати эса бозор тамойил- лари асосида ташкил қилинади. Шу са- бабли хусусий тадбиркорларга темир йўл вагонларини олиб келишга берилган им- тиёзлар 2025 йил 1 январгача узайтири- лади.

Еттинчи йўналиш. Тадбиркорлик фаолиятига аралашувларни қисқартириш, соҳадаги тартиб-таомилларни содда- лаштириш, хусусий мулк дахлсизлиги борасидаги сиёсатни қатъий давом этти- рамиз.

Аввало, бугунги кунда, тадбиркорлар учун назарда тутилган субсидиялар олиш жараёни ўта мураккаблигига қолмоқда.

Тадбиркорларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш максасида 80 дан ортиқ субсидиялар жорий этилди. Ўтган даврда уларга 2,3 триллион сўм ажратилди. Ле- кин мактабгача таълим, халқ таълими, му- қобил энергетика, балиқчилик, парранда- чилик, қорақўлчилик каби 10 дан зиёё со- ҳаларда субсидиялар ишламаяпти.

Мазкур масала Фарғонадаги “Yulduzchalar ziyosi” хусусий богчаси раҳбари Зиёда Қосимова томонидан ҳам кўтарилган. Бунга сабаб — ушбу субси- диаларни тўлаш тартиби мураккаб ва ра- қамлашмаган. Тадбиркор субсидияни олиш учун ўртача 5 та ҳужжатни тақдим этиши, 10 та вазирлик ва идорадан ҳуло- са олиши зарур. Бунга камида бир ой кетади.

Бундан ташқари, 60 фоиз чорвадорлар субсидия олиш жараёнини мураккаб деб ҳисоблайди. Шу боис келгуси йил 1 ян- вардан бошлаб субсидияларини ажратиш бўйича мурожаатлар “ягона дарча” тамойили асосида қабул қилинади, бу жа- раёнда иштирок этадиган давлат идора- лари сони 2-3 баробар қисқартирилади.

Иккинчидан, ўтган бир йилда тад- биркорлардан талаб қилинадиган 400 дан ортиқ лицензия ёки рухсатномалардан 114 тасини бекор қилдик. Шунингдек, ли- цензия ва рухсатнома талаб этиладиган 33 та фаолият тури хабардор қилиш тар- тибига ўтказилди. Ҳозир 30 турдаги ли- цензия ва рухсатномалар онлайн тарзда берилмоқда.

Келгуси йилдан бошлаб тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун барча рухсат этувчи ҳужжатлар онлайн тарзда рас- мийлаштирилади. Жорий йил якунига

қадар лицензия ёки рухсатномалар сони яна камида 30 фоизга қисқартирилади.

Учинчидан, Сирдарё вилоятидаги “Wang Da Group” қўшма корхонаси раҳбари Гузал Тожимирзаева ва метал- лургия соҳасидаги 30 дан зиёд бошқа тадбиркорларимиз индукцион печлардан фойдаланишга рухсат берилишини сўра- ганлар. Ушбу мурожаатларни инобатга олиб, шу йил 1 ноябрдан барча техник талабларга тўла жавоб берадиган, за- монавий индукцион печлардан фойдала- нишга қўйилган чекловлар бекор қилина- ди. Бунда махсулот сифатини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг ягона стандарт ва хавфсизлик талабларига тўла жавоб бериши каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилади.

Тўртинчидан, тадбиркорлар фао- лиятида ўтказиладиган ҳар қандай тек- шириш, мониторинг ва назорат тадбир- ларида адолат мезонлари ва қонун усту- ворлиги таъминланиши шарт. Бунинг учун Савдо-саноат палатасига тадбиркорнинг розилиги билан барча текширишларда иштирок этиш ва таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ваколати берилади.

Бешинчидан, бугунги кунда маҳал- лий ҳокимликлар бино ва ишоотларнинг бузилиши бўйича 349 нафар тадбиркор- дан 123 миллиард сўм қарздор.

Барча вилоят ҳокимларини оғохланти- раман: шу йил 1 сентябрга қадар тад- биркорлар билан барча ҳисоб-китоблар якунига етказилиши, бир сўм ҳам қарз- дорлик қолмаслиги шарт.

Хўрматли тадбир иштирокчилари!

Сизлар билдирган муаммо ва тақлиф- лар бўйича юқорида қайд этилган ташаб- бус ва ечимлар юзасидан қисқа мuddат- да тегишли қарорлар қабул қилинади.

Бунинг мен сизларнинг ана шу маса- лаларга оид яна қандай фикр-мулоҳаза- ларингиз, қўшимча тақлиф ва саволла- рингиз бўлса, эшитиш ва муҳокама қилишга таййрман.

Қадрли тадбиркор ва ишбилармонлар!

Биз яқин йилларда мамлакатимиз иқти- содийётини янада юксалтириш бўйича ол- димизга катта вазифаларни қўймоқдамиз. Уларни ҳал этишда кўп миллатли халқи- миз қатори, ҳеч шубҳасиз, мард ва оли- жаноб тадбиркорларимизга таянамиз.

Албатта, янги Ўзбекистонни қуришдек буюк тарихий жараёнда сиз, хўрматли тад- биркорлар зиммасида ҳам масъулият ва ислохотларимизга нисбатан дахлдорлик тобора ортиб бормоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шу борада қуйдаги масалаларни ало- ҳида таъкидлаб айтимоқчиман.

Биринчидан, биз ҳозирги кескин ра- қобат даврида, кичик бизнесга ҳар то- монлама шароит яратиш билан бирга ўрта ва йирик бизнесни янада ривож- лантириш тарафдоримиз.

Шу максасда тадбиркорларимизга биз- несни бошқаришдаги ўз билим ва қўник- маларини оширишни, фаолиятига иннова- ция ва илгор технологияларни кенг жорий этиши учун барча имкониятларни ярайтиб беришга тайёрымиз.

Иккинчидан, ишлаб чиқаришга за- монавий технологияларни жалб этиш, янги инвестиция лойиҳаларини амалга оши- риш, махсулот турини кўпайтириш ва си- фатини яхшилаш, мавжуд қувватлардан янада самарали фойдаланишимиз зарур. Айниқса, мис ва газ-кимё саноатлари

каби, қилшққ ҳўжалигининг озик-овқат, мева-сабзавот, балиқчилик, чорвачилик тармоқларида кластер ва кооперация тизимини ривожлантириш бўйича катта имконият ва ресурсларимизни ишга солишимиз керак.

Учинчидан, ишлаб чиқаришнинг барча йўналишлари бўйича фаоллиқни кучайтириш, бунинг учун импорт ўрнини бо- садиган ва экспортбоп махсулотларни кўпайтириш орқали, экспорт ҳажмини оши- риш ва географиясини кенгайтиришимиз лозим.

Тўртинчидан, замонавий хизмат тур- ларини кўпайтириш, “IT”, соғлиқни сақ- лаш, таълим ва бошқа йўналишларда давлат хизматларини аутсорсинг асоси- да ташкил этишда ҳам хусусий сектор фаол иштирокчи ва етакчи бўлиши шарт.

Бешинчидан, бизнес вакиллари ҳам ўз кадрлари замонавий билим олишлари учун барча имкониятларини ишга солиш- лари зарур.

Олийгоҳларда ўқитилаётган тадбиркор- лик ва бизнесни бошқариш бўйича таъ- лим йўналишлари, ўқув дастурлари ва ме- тодологиясини, амалиёт билан ўйғун бўлган замонавий ёндашувлар асосида чўқур қайта қўриш талаб этилади.

Эл-юртта танилган, тажрибали тадбир- корларимиз мактаб, касб марказлари, олийгоҳларда мотивация ва маҳорат дарслари ўтказиб борсалар, ўзларининг мактабларини, ўқув марказлари ва база- ларини ташкил этсалар, мақсадга муво- фиқ бўлади. Мисол учун ака-ука Ҳасан, Ҳусан Мамасайидовлар бу борада ижобий тажрибага эга. Бунинг учун давлат томо- нидан албатта субсидия ва бошқа енгилликлар берилади. Шунда санъаткор- лар, олимлар, спортчи ва шифокорлар ўртасида бўлгани каби тадбиркорлари- миз орасида ҳам янги сулолалар шакл- ланади.

Мен янги Ўзбекистонда ана шундай қўллаб тадбиркорлар сулолалари пайдо бўлишига албатта ишонаман ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга таййрман.

Олтинчидан, ҳалол тадбиркор, ин- тизомли солиқ тўловчлар сафини кен- гайтириш долзарб вазифа бўлиб, бу — “яширин иқтисодийёт”га қарши курашнинг энг мақбул йўлидир.

Жорий йилдан бошлаб, иш ўрни яратишда, инновацияларни татбиқ этиш- да, солиқларни ўз вақтида тўлашда, экс- порт қилишда, етук мутахассислар тай- ёрлашда барчамизга намуна бўладиган бизнес вакиллари ҳақида ҳар йили “**Йил- нинг илгор тадбиркорлари**” китоби чоп этиб борилади. Бундай тадбиркорла- римизни муносиб тақдирлаш ва рағбат- лантириш учун алоҳида давлат мукофот- ларини ҳам таъсис этамиз. Бундан бўён тадбиркорларнинг ўз орден ва медалла- ри ҳам бўлади.

Азиз ватандошлар, бизнес ҳамжамия- ти вакиллари!

Ўйлайманки, бугунги очиқ мулоқотимиз барчамиз учун жуда фойдали бўлди.

Қанчадан-қанча масала ва муаммо- ларни самарали ҳал этиш бўйича сиз- лар билан амалий ечимларни топдик. Энг муҳими, ўртaмиздаги ўзарo ишонч ва ҳурмат янада мустаҳкамланди. Сиз- лар кўтарган долзарб масалалар, улар- ни ҳал қилиш бўйича берилган аниқ так- лифлардан кўриниб турибдики, тадбир-

корларимизнинг билим ва савияси кес- кин ўсган, дунёқараши ўзгарган, иш ус- луби ва инновацион ёндашувлари бугун мутлақо бошқача.

Мен бундан жуда ҳам мамнун бўлдим.

Бугунги тажрибамиздан келиб чиқиб, ушбу учрашувларни ҳар йили ташкил этсак, буни яхши бир аъъанга ай- лантирсак, сизларга маъқулни?

Шу муносабат билан бугунги са- нани, яъни 20 августни мамлака- тимизда “Тадбиркорлар куни” деб эълон қилиб, уни ҳар йили юрти- мизда кенг нишонласак, бу ташаб- бусга нима дейсизлар?

Ушбу тақлифни қўллаб-қувватлаганла- рингиз учун сизларни ҳақ ташкил!

Энди ҳар йили айнан шу куни Президентнинг бизнес ва ишбилармон доиралар вакиллари билан очиқ мулоқо- ти ўтказилади. Бир йиллик ишларимиз на- тижалари сарҳисоб қилиниб, энг илгор бизнес вакиллари айнан шу куни давлат мукофотлари билан тақдирланади.

Хўрматли тадбиркорлар!

Ишончим комил, бугун бошланган янги аъъанамиз тадбиркорлик соҳасида йил давомида ишлайдиган самарали тизимга айланади. Бунга Халқ қабулхоналари ва Бош вазир қабулхоналари, Савдо-саноат палатаси, Бизнес-омбудсман ва жойлар- да ҳокимлар масъул бўлади. Шунингдек, янги ташкил этилган Стратегик ривожла- ниш агентлиги тадбиркор ва инвестор- ларни қўйнаётган муаммоларни, юқорида номлари қайд этилган идоралар билан бирга тизимлаштиради ва уларни ҳал этиш учун аниқ тақлифлар ишлаб чиқиб, Ҳукумат ва Президентга киритиб боради.

Бош вазир ўринбосарлари, вазирлик ва идора раҳбарлари, ҳокимлар ҳар ҳафта ўзлари масъул бўлган худудларга чиқиб, аввалдан эълон қилинган графиклар асо- сида тадбиркорлар билан озма-оз учра- шиб, уларнинг муаммо ва масалаларни ечишга қўмқлашади.

Такорр ва такорр айтаман, иш- нинг қўзини биладиган, одамларга меҳнат қилиш ва даромад топиш учун шароит яратадиган, ватанпар- вар ҳамда фидойи тадбиркорлар- ни биз доимо бошимизга кўтара- миз.

Президентнинг талаби ва бошлаган ислохотларимизнинг асл маъно-маъмуни ҳам айнан шундан иборат.

Барчамиз ана шу талаб асосида ишласак, меҳнат қилсак, албатта мамлакатимизда тадбиркорлик ри- вожи мутлақо янги босқичга кўта- рилади.

Мен бунга ишонаман ва барчангизни шу йўлда ўзарo бирлашиш ва ҳамжихат- ликда ҳаракат қилишга чақирман.

Азиз юртдошларини!

Фурсатдан фойдаланиб, Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллик қўтлуг бай- рами билан сизларни чин дилдан таб- риклаб, барчангизга сикҳат-саломатлик ва оилавий бахт тилайман.

Ўртимиз равнақи, халқимиз фаровон- лиги йўлидаги эзгу ва хайрли ишларин- гизда, сизга ҳамиша омад ва зафар ёр бўлсин!

Барчангизга катта раҳмат!

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси янада тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 15 июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2021 йил 31 июлда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган «**Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарни тўғрисида**»ги 1062–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августда қабул қилинган 397–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикасининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 9, 158-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 7, 355-модда; 2011 йил, № 12/2, 364-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **5-моддаси учинчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «патент берилганлигига қарши эътироз билдириш» деган сўзлар «патент берилганлиги юзасидан низолашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11–12; 1997 йил, № 2, 56-модда; № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12,

598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 3, 161, 166-моддалар, № 5, 267-модда, № 10, 671-модда, № 12,

ТАДБИРКОРЛАР — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРЛАРИ

◀ — Беш йил илгари мазкур тизимга эътибор йўқ эди. Битта нарсани юрагимдан айтмоқчиман, тадбиркорларга шароит яратиш бўйича армонларим бор эди. Мен ҳам вилоятларда ҳоким бўлганман, Бош вазир бўлганимда ҳам ҳаракатлар натижасиз эди. Қоғоз бор эди, амалда ҳеч нарса йўқ эди. Бу — ҳақиқат. Шу боис мазкур мулоқотни ташкил қилдик. Тадбиркорлар сезсинки, улар янги Ўзбекистоннинг замини. Мана шу очик мулоқотимизга тайёргарлик жараёнида кўрдик, улардан жуда кўп ташаббуслар келиб тушди. Бу ташаббуслар Президент учун жуда ҳам керак. Албатта кўп ишлар қилдик, булар — бошланиши. Ўзбекистон шароитида тадбиркорлар эмин-эркин ишлаши учун ҳали кўп иш қилишимиз керак. Биз ҳалқимизни рози қилишимиз десак, тадбиркорларга кўмакчи, елкадош бўлишимиз, қонунчиликка керакли ўзгартишларни киритишимиз лозим, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз ўз нутқида тадбиркорларни ўйлантираётган муаммоларни ҳал қилишга қаратилган 7 та муҳим йўналишни кўрсатиб ўтди. Биринчи йўналиш — бизнесни молиялаштириш, иккинчиси — солиқ тизимини такомиллаштириш ва бизнесга солиқ юкини камайтириш, учинчиси — ер ажратиш, тўртинчиси — инфратузилма, бешинчиси — экспортёр корхоналарни қўллаб-қувватлаш, олтинчиси — транспорт-логистика, еттинчиси — соҳадаги тартиб-тао-

милларни соддалаштириш масалаларига қаратилди.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир йўналиш бўйича долзарб вазифаларни кўрсатиб, янги ташаббусларни илгари сурди.

Масалан, мурожаатларнинг 40 фоизи бизнесни молиялаштириш ва молия-кредит масалалари билан боғлиқ бўлган. Жумладан, кредит ставкаларининг юқорилиги ва кўплаб кредитлар қисқа муддатга, тадбиркор учун ноқулай шартларда берилаётгани қайд этилган. Шунингдек, хорижий валютадаги кредитлар валюта курсининг мунтазам ўсиши ҳисобига тадбиркор учун қўшимча харажатларни юзага келтирмоқда.

Шу боис банкларнинг капиталини ошириш чоралари белгиланди. Хусусан, келгуси йилда банкларга Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан бозор тамойиллари асосида қўшимча 600 миллион доллар ажратилади. Халқаро молия бозорларида 5 триллион сўмлик миллий валютада евробондлар чиқарилади. Хорижий банклар кириб келишига кенг имкониятлар яратилади.

Яна бир муҳим янгилик — банклар ресурсни қандай валютада жалб қилишидан қатъи назар, тадбиркорларга кредитни сўмда ва мабқул фоизларда бериш тизими йўлга қўйилади. Шу мақсадда Молия вазирлиги ҳузурида Валюта хатарларини бошқариш компанияси ва ҳудудларда унинг филиаллари ташкил этилади.

Маълумки, сўнгги уч йилда солиқлар тури 16 тадан 9 тага қисқарди. Яқингача Пенсия, Мактаб ва Йўл жамғармаларига бизнес учун оғир юк бўлган 3,2 фоизли йиғимлар тўланар эди. Ушбу йиғимлар корхоналарнинг фойдасидан қатъи

назар, оборотдан олиниб, уларнинг миқдори корхоналарнинг камида 25 — 30 фоиз фойдасига тенг эди. Мол-мулк, даромад солиғи ва ижтимоий солиқлар ставкалари 2 баробар камайтирилди.

Президентимиз бу соҳада ҳам тадбиркорларга қўшимча қулайликлар яратилишини қайд этди.

Жумладан, 2020 йил февраль ойида “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонун қабул қилингунга қадар иқтисодий зоналарда рўйхатдан ўтган тадбиркорларга берилган имтиёзлар сақлаб қолинади.

Махсус иқтисодий зоналар иш-тироқчиларига қўшилган қиймат солиғининг ортиқча қисмини 7 кун ичида қайтариб бериш тартиби жорий қилинади. Бу уларга айланма маблағларини кўпайтириш имконини беради.

Бундан ташқари, четдан олиб келинган товарлар учун қўшилган қиймат солиғини 120 кун давомида бўлиб-бўлиб тўлашда тадбиркорларга фоиз ҳисобланмайди ва гаров талаб этилмайди.

Курилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарга ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 2 баробар камайтирилади.

Давлатимиз раҳбари пандемия шароитида хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлаш муҳимлигини таъкидлаб, ўтган йили берилган имтиёзлар муддатини узайтиришга кўрсатма берди. Умумий овқатланиш корхоналари йил якунига қадар ер ва мулк солиғидан, туризм компаниялари ва меҳмонхоналар 2 йил муддатга туристик йиғимлардан озод қилинадиган бўлди.

Амалдаги тартибга кўра, тадбиркорлар қўшилган қиймат солиғида-

ги фарқни қайтариш учун солиқ идораларига алоҳида мурожаат қилишга мажбур. Бу — 14 минг тадбиркорга тегишли бўлиб, улар учун қўшимча вақт, ортиқча сарсонгарчилик, дегани.

Шу боис мутасаддиларга келгуси йилдан қўшилган қиймат солиғини қўшимча ҳужжатсиз қайтариш тартибини жорий этиш вазифаси қўйилди.

Тадбиркорларни қийнаётган муаммолардан яна бири ер ажратиш билан боғлиқ. Бу масала бўйича Президентга 4 мингдан зиёд мурожаатлар бўлган.

Жорий йил 16 август куни “Ер участкаларини ажратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, ерларни ҳисобга олиш ва давлат ер қадас-трини юритиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Қонун қабул қилинди. У билан ерларни иқтисодий оборотга киритиш, уларни олди-сотди ва гаров объектига айлантириш учун мустақкам ҳужукий замин яратилди.

Энди қишлоқ ҳўжалиги ерлари очик танлов асосида фақат ихарага берилади. Қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ер майдонлари эса фақат аукцион орқали сотилади.

Кўпчилик тадбиркорлари ўз қорхонаси жойлашган ер майдонининг тақдири ўйлантириши табиий. Президентимиз ушбу қорхоналарга ҳозирда эгаллаб турган ер майдонлари мулк қилиб расмийлаштириб берилишини таъкидлади.

Бизнес субъектларини инфратузилма билан таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Қайд этилганидек, келгуси йил 1 январдан бошлаб, қиймати

200 миллиард сўмга тенг лойиҳалар бўйича электр, табиий газ, сув тармоқлари ва йўл инфратузилмасини етказиб бериш тўлиқ давлатнинг зиммасида бўлади. Бу имтиёз ҳозирги кунгача фақатгина 50 миллион доллардан ошадиган хорижий инвесторлар лойиҳаларига қўлланиб келинмоқда.

Шунингдек, келгуси 2 йилда республика бўйича қўшимча 200 та саноат зонаси ташкил этилиб, уларга ҳам коммунал ва йўл инфратузилмаси давлат томонидан етказиб берилади. Ушбу мақсадлар учун келгуси йилда бюджетдан 2 триллион сўм маблағ ажратилади.

Тадбиркорлар эътирозига сабаб бўлаётган яна бир муаммо — электр тармоқларига уланишда кичик қорхоналарга ҳам йирик заводлар билан бир хил талаблар қўйилган.

Шу боис келгуси йил бошидан бу борада қулай тизим жорий этилади. Электр тармоғига уланиш тўлиқ электрон платформага ўтказилади ва барча жараён бир босқичга туширилади. Тадбиркорларнинг электр тармоғига улаш муддати 20 киловаттгача бўлган қувватлар учун — 10 кун, 50 киловаттли қувватлар учун эса 20 кун этиб белгиланади. Агар электр таъминоти қорхонаси ишларни муддатида яқунламаса, тадбиркорларга компенсация тўлайди.

Давлатимиз раҳбари экспортёр қорхоналарни қўллаб-қувватлаш, кичик бизнесни экспорт фаолиятига жалб қилиш бўйича ҳам қатор ташаббусларни илгари сурди.

Масалан, ўтган йили пандемия даврида тўқимачилик қорхоналарига экспортдан валюта тушумини кутмасдан қўшилган қиймат солиғини қайтариб бериш тартиби жорий этилган эди. Энди ушбу тартиб

барча тармоқларнинг ҳалол ва интизомли экспортёрларига нисбатан ҳам татбиқ этилиши айтилди.

Шунингдек, йилига 20 миллион доллардан ортиқ экспорт қилувчи қорхоналарга 5 миллион долларгача имтиёзли кредитлар ажратилади.

Ҳозирги кунда айрим хом ашёлар импорти учун бож ставкалари юқори экани кўрсатиб ўтилди. Оқибатда улар асосида маҳсулот ишлаб чиқаришдан кўра четдан олиб келиш арзонроқ бўлмоқда.

Шу боис ҳуқуматга хом ашё ва яримтайёр маҳсулотлар учун импорт божни ставкаларини пасайтириш бўйича топшириқ берилди.

Транспорт-логистика хизматларини ривожлантириш, тадбиркорларнинг юкларини ташишини энгиллаштириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди. Юк автомобиллари ва темир йўл вагонларини олиб кириш бўйича берилган имтиёзлар яна 3 йилга узайтирилиши маълум қилинди.

Тадбиркорлик фаолиятига ара-лашувларни қисқартириш, субсидиялар олиш жараёнини оsonлаштириш бўйича ҳам кўплаб кўрсатмалар берилди.

Очиқ мулоқотда барча ҳудуддан тадбиркорлар сўзга чиқиб, фаолиятида дуч келаётган муаммоларни, тақлиф ва мулоҳазаларини айтди. Улар тармоқ мутасаддилари ва ҳокимлар иштирокита муҳокама қилинди.

Президентимиз бундай мулоқотларни анъанага айлантириб, ҳар йили ташкил этиш, 20 августни мамлакатимизда “Тадбиркорлар куни” деб эълон қилиш тақлифини билдирди. Бу тақлифлар кенг қўллаб-қувватланди.

Ў.А.

«БИЗ, ИШБИЛАРМОНЛАРГА БИЛДИРИЛГАН ИШОНЧ, ЎЗ НАВБАТИДА, КАТТА МАСЪУЛИЯТ ҲАМДИР»

Тадбиркор — мамлакатнинг илгор кишиси. Тадбиркорлик иқтисодиётнинг етакчи тармоғи ва кучи.

Бугун Ўзбекистонда тадбиркорларга шундай таъриф берилади. Президентимиз таъбири билан айтганда, ишбилармон юрдошларимиз тимсолида биз чин маънодаги янги Ўзбекистон бунёдкорларини кўраимиз.

Юртимизда ҳар йили яратилаётган иш ўринларининг 90 фоизи ишбилармонлар ҳиссасига тўғри келаётгани, айни пайтда хусусий секторда 5 миллиондан зиёд аҳоли меҳнат қилаётгани, уларнинг аксарияти ёшлар эканлиги мазкур соҳага қанчалик эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Кеча Президентимизнинг тадбиркорлар билан ўтказган очик мулоқоти ана шу эътибор ва қўллаб-қувватловнинг бир кўринишидир. Бинобарин, унга жиддий тайёргарлик кўрилди. Зеро, бундай тадбир илк маротаба ўтказилди. Қизиқиш ҳам юқори бўлди.

Очиқ мулоқот иштирокчиларининг айримлари билан суҳбатлашдик.

Ғофуржон УСМОНОВ,
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси масъул ходими:

— Ўзбекистон тарихида биринчи бор Президентимиз томонидан тадбиркорлар билан очик мулоқот ташкил этилди. Айтиш керакки, мулоқот ўз номига мос очик ва самимий руҳда, кўтаринки кайфиятда бўлиб ўтди. Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллиги байрам арафасида соҳа вакилларига ишчанлик кайфияти бағишлади.

Очигини айтиш керак, мулоқот давомида давлат раҳбари томонидан билдирилган тақлифлар, фикрлар тадбиркорлар учун қутилмаган совға бўлди. Тадбиркорлар кўтарган 15 мингдан ортиқ масалалар чуқур ўрганилгани ва уларнинг ечимлари Президент томонидан еттига йўналишда белгилаб берилгани уларни жуда хурсанд қилди. Зеро, бу ечимлар келгуси қарорларда, ишбилармонлар фаолиятида ўз аксини топади.

Очиқ мулоқотда Президентимиз ҳар бир вилоятнинг тадбиркорлик борасида алоҳида жиҳатини кўрсатиб, бу борада мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди. Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга доир катта дастур қабул қилиниши ҳам шу ерда айтиб ўтилди.

Белгиланган еттита йўналишнинг биринчиси молия-

кредит масаласига дахлдор. Бу бугунги кунда, чиндан ҳам, тадбиркорларни қийнаётган жиҳат. Нафақат кредит олиш, балки олинган кредитларни қайтариш, яъни тадбиркор фаолиятини йўлга қўйиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишни бошлагунгача фоизлар тўпланиб қолиши натижасида у маълум бир молиявий хатарга дуч келиши мумкин. Учрашувда бунинг ечими сифатида олиннадиган маблағларни сугурта қилиш Молия вазирлиги қошида ташкил этиладиган компания ва тузилмалари зиммасида бўлиши айтилди.

Бу ҳам тадбиркорларга катта имкониятдир.

Шерзод АБДУВАЛИЕВ,
«Oltos blok» масъулият чекланган жамияти раҳбари:

— Президентимизнинг тадбиркорлар билан учрашувини эшитиб бир қувонган бўлсак, очик мулоқот давомида билдирган фикрлари кучимизга куч қўшди, десак, айни ҳақиқатни гапирган бўламиз. Мухтасар айтганда, шу соҳа вакили эканлигимиздан гурурландик. Чунки тадбирда шу пайтгача имконсиз туюлган масалалар ҳал этилди. Очиқ мулоқотда тадбиркорликка оид ҳеч бир жабҳа эътибордан четда қолмади.

Бу мулоқотни биринчи ўринда биз, тадбиркорларга билдирилган ишонч, деб биламиз. Бу ишонч, ўз навбатида, зиммамизга катта

масъулият юклайди. Бундан бўёғига жамиятнинг асосий ва фаол қатлами вакили сифатида ишонччи оқлашга ҳаракат қиламиз, албатта.

Давлатимиз раҳбарининг мулоқот давомида “...иқтисодиётимизни янада юксалтирамиз, десак, тадбиркорликни ривожлантириш учун барча имконият ва шароитларни яратиб беришимиз зарур”, деган фикрлари айни кўнглимиздаги гап бўлди. Чунки қаерда эътибор бўлса, ўша жойда ривожланиш бор. Мулоқот давомида англадикки, бундай эътибор бу билан чегараланмайди.

Биз бетон ва бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш, махсус техникалар билан хизмат кўрсатиш ҳамда кўп қаватли бинолар қуриш билан шуғулланамиз. Наманган вилоятида ҳам филиалимиз бор. Бундан ташқари, ҳозир панель маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқдамиз.

Айтишим керак, қорхонамиз бошида бор-йўғи бир-иккита қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланар эди. Кейинчалик фаолиятимиз кенгайиб, ишлаб чиқаришдан ташқари хизмат кўрсатишни ҳам йўлга қўйдик. Эндilikда бюртмачиларга янги ва замонавий қурилиш маҳсулотларини тайёрлаб берамиз.

Саломат КОМИЛОВА,
«Қарши мебель» масъулият чекланган жамияти раҳбари,
«Шухрат» медали соҳиби:

— Мулоқотга нима етсин! У, айниқса, дўстона, самимий бўлса, қолаверса, давлат раҳбари билан бўлса янада мароқли. Очиқ мулоқот биз, тадбиркорларга шундай имконият тақдим этди. Айни чоғда учрашув тадбиркорларга ташкил этилган махсус штабга мурожаат қилишдан ташқари, давлат раҳбарининг шахсан ўзи билан суҳбатлашиш, тақлиф ва мулоҳазалар билдириш, муаммоларини айтиш имконини бергани билан эътиборга молик бўлди.

Аслида, Президентимиз мулоқот давомида ҳеч бир масалага ўрин қолдирмади. Бугун тадбиркорни нима қийнаётган бўлса, барчасига

ечим топиб берди. Келгусида қилиниши режалаштирилаётган ишлар, янгиликлардан воқиф этди.

Жумладан, давлатимиз раҳбари келгуси йилдан бошлаб солиқ идоралари ўз электрон дастурлари орқали бизнес субъектларига ҳисоботларини шакллантириш хизматини йўлга қўйишини айтди. Бу тадбиркорлик субъектларида солиқ борасида кузатилиши мумкин бўлган айрим камчиликларнинг, унга молиявий жарима солинишининг олдини олади.

Бундан ташқари, ҳисоботларни кечиктириб топшириш билан боғлиқ молиявий санкцияларни қўллаш тартиби ҳам келгуси йилдан тўлиқ бекор қилинади.

Улугбек ВАХОБОВ,
«Registon Oltinsoy Mega» масъулият чекланган жамияти раҳбари:

— Қорхонамиз қишлоқ ҳўжалигига ихтисослаштирилган. Яъни иссиқхона, музлаткич ва турли қадоклаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғуллаанади. Ҳозир 75 нафар асосий ва 30 нафар мавсумий ишчиларимиз бор.

Президентнинг тадбиркорлар билан самимий, дилдан суҳбатлашиши, уларни қийнаётган муаммолар билан шахсан қизиқиши, тўғриси, тарихий воқеа. Камдан-кам мамлакатларда бундай ҳолатга дуч келиш мумкин, холос.

Қаранг, очик мулоқотда давлатимиз раҳбари бевосита ўзи иштирокчиси бўлган залдан ташқари вилоятлардаги студияларга ҳам мурожаат қилиб, кимда қандай масала борлигини сўраб оляпти, тортиниб турганларга ҳам далда бериб, очик мулоқотда фаол бўлишга даъват этди.

Ахир бундай самимиятни яна қаерда учратасиз? Энг асосийси, бундай учрашув ва мулоқотлар энди мунтазамлик касб этаётир. Чунки мулоқот давомида Юртбошимиз 20 августни “Тадбиркорлар куни” деб эълон қилди.

Дилшод УЛУГМУРОДОВ
(«Халқ сўзи») ёзиб олди.

■ Муносабат

Давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан ўтган очик мулоқоти ҳақида ёзиш менга маълум маънода фахр, гурур ва ифтихор бахш этган бўлса, бошқа томондан, у ерда кўтарилган саволларни, тадбиркорларни кўпдан бери қийнаб келаётган масалаларнинг кўплиги ҳамда қилма-қиллиги баъзи фикрларни жамлашга ва изоҳ беришга туртки бўлди.

ИМКОНСИЗ ТУЮЛГАН МАСАЛАЛАРГА САМИМИЙ ВА ОЧИҚ МУЛОҚОТДА ЕЧИМ ТОПИЛДИ



Таъкидлаш жоизки, очик мулоқотда кўтарилган бу каби муаммоларни бир ёки икки ойда ечимини топишнинг имкони йўқ. Демак, Президентимиз давлат раҳбарлигига келган илк кунларданок Ўзбекистонни иқтисодий жиҳатдан барқарор, аниқ стратегияга таянилган, тизимли ёндашув асосида тадбиркорларни қийнаб келаётган муаммоларни ўрганиб, ечимини топишга ҳаракат қилганликлари кўришимиз мумкин.

Биринчидан, бу каби очик ва самимий мулоқот мамлакатимиз тарихида биринчи марта ташкил этилди. Иккинчидан, барча тадбиркорлар олдига турган муаммоларга тизимли ечимлар, саволларга асосли, таҳлиллий жавоблар берилди. Учинчидан, мулоқот аввалида Президентимиз тадбиркорлик соҳасидаги мавжуд муаммо ҳамда ечимлар ҳақида тўхталиб ўтилди. Ҳудудлардан уланган тадбиркорлар, бевосита мулоқотда иштирок этаётган ишбилармонлар Президент нутқининг ўзидаёқ, уларини ўйлантираётган барча саволларга жавоб олди. Чунки давлатимиз раҳбари ўз нутқи давомида тадбиркорларни анча йиллардан бери қийнаб келаётган муаммоларга ечимлар бериб, очик мулоқотнинг амалий аҳамиятини янада ошириб юборди.

Хусусан, тадбиркорларни кўпдан бери қийнаб келаётган бизнесни молиялаштириш масалалари, яъни берилаётган кредитлар муддатининг қисқалиги, фоиз ставкаларининг юқорилиги, солиқ соҳасидаги номуво-

фиқликлар, ер муносабатлари билан боғлиқ ислохотлар, бизнес юритиш учун зарурий инфратузилмаларни яратиш, экспортёрларни қўллаб-қувватлаш, логистика, хусусий мулк дахлсизлиги ва бошқа кўплаб йўналтирилган кўникмаларни шакллантириш лозимлигини таъкидлади. Бизнес ва тадбиркорлик соҳасидаги янги касбларни ўзлаштириш учун эса етук мутахассисларни тайёрлаш билан боғлиқ ўткир масалалар олий таълим тизимида ҳам ислохотларни олиб боришни тақозо этади.

Мазкур учрашувда шахсан қатнашиб, депутатлар корпуси олдига турган парламент ваколатидаги муҳим вазифаларни белгилаб олди.

“Давлатимиз раҳбари ўз нутқи давомида тадбиркорларни кўпдан бери қийнаб келаётган бизнесни молиялаштириш масалалари, яъни берилаётган кредитлар муддатининг қисқалиги, фоиз ставкаларининг юқорилиги, солиқ соҳасидаги номувофиқликлар, ер муносабатлари билан боғлиқ ислохотлар, бизнес юритиш учун зарурий инфратузилмаларни яратиш, экспортёрларни қўллаб-қувватлаш, логистика, хусусий мулк дахлсизлиги ва бошқа кўплаб йўналтирилган ишлар давомида йиғилиб ётган муаммолар ечимларини кўрсатиб берганликлари нафақат таҳсинга лойиқ, балки улкан қалб эгаси, аниқроғи, миллат лидери эканликларини кўрсатади.

армалар ҳисобидан қопланиши ва қўллаб-қувватланиши борасида аниқ тақлифларни илгари сурди. Эътироф этиш ўринлики, тадбиркорлар ҳар доим ўзининг ташаббускорлиги билан бир неча оилалардан тортиб, минглаб фуқароларнинг доимий даромад манбаига эга бўлишларига катта ҳисса қўшиши билан ҳам жамиятда ўз нуфузига эга. Бугун бутун инсоният бошидан кечираётган пандемия даврида ҳам улар ўзларининг матонати билан ҳалқимиз оғирини энгил қилишга катта ҳисса қўшди. Бу борада давлатимиз раҳбари алоҳида тўхталиб ўтди.

Ўйлайманки, тадбиркорлар дуч келаётган ўткир масалаларга қонуний ечим топиш бугунги депутатлар олдига янги вазифаларни юклайди. Хулоса ўрнида айтганда, давлатимиз раҳбари ва тадбиркорлар ўртасидаги самимий ҳамда очик мулоқот юртимизда тадбиркорлик равнақида янги босқични бошлаб беради. Бу, ўз навбатида, ҳалқимиз фаровонлиги ва юртимиз тараққиётига хизмат қилади.

Нодир ЖУМАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор.

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА ҲАМКОРЛИК

Кеча “Ўзбекистон ва ШХТ: барқарор тараққиёт йўлида ҳамкорлик” мавзuida халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар масалалари кўмитаси ва мамлакатимиздаги Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Халқ дипломатияси маркази томонидан ташкил этилган тадбирда парламент аъзолари, Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги, Хитойнинг яхши кўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик бўйича кўмитаси, ШХТга аъзо давлатларнинг юртимизда аккредитациядан ўтган дипломатик миссиялари, илмий-эксперт доиралар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Халқаро анжуман

Қайд этилганидек, нисбатан қисқа давр ичida Евроосиёдаги энг нуфузли сиёсий тузилмалардан бирига айланган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига буй йил 20 йил тўлади. Утган давр мобайнида ШХТ хавфсизлик масалалари, хусусан, терроризм, экстремизм, айирмачилик ва наркотрафикка қарши курашда амалий ҳамкор-

лиқни йўлга қўйиб, тўлақонли минтақавий ташкилотга айланиб улгурди. Давра суҳбатидан қўзланган асосий мақсад мазкур ташкилотни янада ривожлантириш, унинг минтақадаги ролини кучайтириш, ШХТ доирасида ҳамкорлиқни кенгайтириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш, шунингдек, халқ дипломатияси меха-

низмларидан самарали фойдаланиш ҳисобига халқлар ўртасидаги ўзаро ишонч ва дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, гуманитар алоқаларни раванқ топтириш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш эканлиги иштирокчилар томонидан таъкидланди. Шундан келиб чиққан ҳолда, тадбирда парламентлараро, минтақавий ва миллатлараро муносабатлар, ёшлар ташкилотлари фаолияти ҳамда маданий дипломатия, таълим ва бошқа соҳалардаги иштирокчилар ва саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш масалалари муҳкама қилинди. Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси раиси Р. Алимов замонавий дунё воқеалиги халқларни бир-бирига яқинлаштириш ва интеграция жараёнларини қайта яратиш зарурлигини ҳамда ШХТ давлатлари ўртасидаги ҳамкорлиқни мустаҳкамлашда фуқаролик жамияти

институтларининг ўрни муҳимлигини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Республикасининг ШХТ масалалари бўйича миллий координатори Р. Нуриимбетов мамлакатимизнинг тузилма доирасида кўзлаган асосий мақсади — аъзо давлатлар ҳаётий манфаатларига жавоб берадиган истиқболли йўналишларда изчил ҳамкорлиқни амалга оширишдан иборат эканлигига ургу берди. Ўзбекистондаги ШХТ Халқ дипломатияси маркази директори Қ. Собиров тузилма фаолиятининг гуманитар йўналиши турфа халқлар, турлича маданий аънана ва диний эътиқод эгаларини бир платформа остида бирлаштириш, шунингдек, таълим, маданият ва бошқа соҳаларда самарали ҳамкорлик қилишга имкон берувчи ноёб восита эканлиги хусусида сўз юритди. Тадбирда хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш, ШХТ давлатлари ўртасида халқ дипломатияси механизмларини янада фаоллаштириш,

савдо-иқтисодий ва сармовий ҳамкорлик масалалари ҳам қўриб чиқилди. Шунингдек, иштирокчилар томонидан маданий-гуманитар алоқалар бўйича ҳамкорлиқни ривожлантириш юзасидан тақлифлар билдирилди. Очик мулоқот ва ўзаро фикр алмашиш руҳида ўтган тадбир якунлари бўйича ШХТ доирасида савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва транспорт-логистика соҳаларида қабул қилинган долзарб лойиҳаларни амалга оширишнинг муҳим омили сифатида минтақада хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш нақадар муҳим эканлиги хусусида яқдил фикр билдирилди. Ўз навбатида, давра суҳбатида 2022 йилда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган ШХТ давлатлари раҳбарлари саммитига тайёргарлик ишларининг бориши юзасидан маълумот берилди.

«Халқ сўзи».

Семинар

ЎЗИГА ХОС ТАЖРИБА МАКТАБИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Самарқанд вилоятининг “Келажақ лидерлари” ҳамда “Самарқанд илмий қизлари” клублари аъзолари учун ўқув-семинар ташкил этилди. Унда парламент қуий палатаси депутатлари, Ёшлар парламенти аъзолари, Ёшлар ишлари агентлиги вакиллари, клублар аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Мазкур семинарни ўтказишдан асосий мақсад — ёшларни Қонунчилик палатаси фаолияти билан яқиндан таништириш, уларнинг қонун лойиҳалари устида ишлай олиш, ўз фикрлари ва тақлифларини ифода этиш қобилиятларини шакллантириш, энг муҳими, бу каби учрашувлар орқали ёшлар орасидан бўлажақ депутатларни тайёрлашдан иборатдир.

Бугун ёшлар кенг қўламли ислохотларни самарали амалга оширишда хал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқмоқда. Айнан замонавий билим олган, илғор касб-хунарларни, инновацион технологияларни, хорижий тилларни пухта эгаллаган ўғил-қизларимиз мамлакатимизни янада тараққий эттиришда етакчи ўрин тутади. Шу нуктаи назардан, юртимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш борасида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган.

Хусусан, ҳозирги кунга қадар юртимизда ёшларга оид 40 дан ортиқ қонунлар қабул қилиниб, 30 дан ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация қилинган. Уларнинг сифатли ижроси устидан мунтазам таъсирчан парламент назорати ўрнатилган. Зотан, Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш, ёш авлодини ҳар томонлама етук ва баркамол шакслар сифатида тарбиялаш мамлакат ривожини учун муҳим омилдир.

Учрашув давомида 2020 йилда ёшларнинг сиёсий фаоллигини кучайтириш ва уларни қонун ижодкорлиги жараёнига кенг жалб қилиш мақсадида Олий Мажлисининг ҳар икки палатасида алоҳида Ёшлар парламенти ташкил этилгани ва уларга жами 350 нафар давло йигит-қизлар сайлангани таъкидланди. Айни вақтда улар қонунчилик ва қонун ижодкорлиги жараёнига ёшларни жалб этиш ва қабул қилинаётган қонунларни навқирон авлод орасида кенг тарғиб қилиш орқали йигит-қизларнинг парламент ҳаётига дахлдорлигини оширишда фаол иштирок этаётгани таъкидланди.

Шунингдек, Ёшлар масалалари бўйича комиссия ҳамда Ёшлар парламенти эртамиз эгаларининг ҳуқуқ ва манфаатидан келиб чиққан ҳолда қонун лойиҳаларига ўз хулосасини қўмиталарга тақдим этиш амалиёти йўлга қўйилди. Ҳозирги кунда Ёшлар парламенти аъзолари худудлар кесимида “Устоз — шогирд” аънанасига мувофиқ парламент депутатларига бириктирилиб, улар билан биргаликда фаолият юритмоқда. Натижада ўтган қисқа давр ичida Ёшлар парламенти аъзолари Қонунчилик палатаси депутатлари билан биргаликда 68 та ўрганиш тадбирини амалга оширди.

Қизғин кечган мунозараларда қонун ижодкорлиги жараёни, назорат-таҳлил тадбирлари хусусида батафсил сўз юритилиб, парламент томонидан қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш амалиёти, жамиятимизда ёшларга яратилаётган имкониятлар, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, ёшларга доир қонунларнинг мазмун-моҳияти ҳақида тушунчалар берилди.

Тегишли соҳа вакиллари, депутатлар томонидан ўтказилган ўқув-семинар Самарқанд вилоятининг “Келажақ лидерлари” ҳамда “Самарқанд илмий қизлари” клублари аъзолари учун ҳақиқий тажриба мактабига айланди.

Ўқув-семинарда ёш йигит-қизлар ўз фикр-мулоҳазалари, тақлифлари билан фаол иштирок этган ҳолда, палата фаолияти, партиялар дастурий мақсадлари ва фракцияларда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди. Қўнунинг иккинчи ярмида ёш сийсатларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги фаолияти билан танишди.

«Халқ сўзи».

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ КЎМАГИДА ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ МУМКИН

Табиат ва инсон ўртасидаги доимий муносабат муайян қонуният орқали бошқариладики, унга риоя этмаслик экологик муаммо ва ҳалокатга олиб келади. Бу муаммоларнинг қаршисида инсоният доимо ожиз қолган.

Албатта, илмий-техникавий ривожланиш, янги энергия манбалари ва кимёвий моддаларнинг пайдо бўлиши, табиий ресурслардан ноқилона фойдаланилиши натижасида ҳаво ва сув ифлосланди, биологик хилма-хиллик қисқарди, ер ресурслари сифати салбий томонга ўзгарди. Демак, экологик муаммолар келиб чиқишининг асосий сабаби инсон билан табиат ўртасидаги мувозанат бузилиши оқибатидир.

Мушоҳада

Аёнки, инсон ўзида табиатга доим эҳтиёж сезади. Бироқ биз кейинги асрларда табиатни ўз истакларимизга бўйсундирмоқчи бўлдик, ўрмонларни кесдик, табиат гўзаллигини бузиб тўғонлар, қорхоналар қурдик, чўлларни ўзлаштирдик. Табиатга нисбатан ғалабабимизни тенгсиз ютук деб ҳисобладик. Аммо бугунга келиб эса ҳеч қачон ғалаба қилиб бўлмайдиган, мутлақо эркин табиатга муҳтожлигимизни ҳис этмоқдамиз.

Миллий маънавиятимизга сингиб кетган ва асрлар оша унинг такомил босқичларида чуқурлашиб, теранлашиб борган халқимиз қадриятларида ҳам табиатга бўлган эҳтиром бекиёсдир. Умуман, атроф-муҳитга муносабат, уни англашга бўлган интилиш Шарқ, айниқса, Марказий Осиё халқлари тарихида ўзгача хусусиятга эга.

Қўрибди турибдики, атроф-муҳитга эътибор ҳар бир даврда долзарб бўлиб келган. Бугунги кунга келиб, бу долзарблик янада ошди.

Экологияга бўйича тадқиқотлар кўп йўналишларда олиб борилган бўлса-да, бироқ аҳдодларимиз экологик маданияти, миллий экологик одат ва аънаналаримиз етарлича ўрганилмаган. Шу маънода, миллий маънавиятимиз салоҳиятини акс эттирувчи ва ажралмас бир қисми бўлмиш табиатни асраб-авайлаш, атроф-муҳитни муҳофаза

қилиш бўйича халқимиз қадриятлари, аънана, тажриба ва меросини бир тизимга келтириб, таҳлил қилиш ва ундан олдимизда турган долзарб экологик муаммоларни ҳал этишда фойдаланиш зарур, десак, айни ҳақиқат.

Мозийга назар ташласак, донишманд аҳдодларимиз ана шундай йўл тутганликларини кўрамиз. Табиат ҳодисаларига оид тадриҳий ривожланиб борган тушунча ва таълимотлар, инсоннинг табиат билан боғлиқлигига доир маълумотлар “Авесто” ва Шарқ Ренессанси даври мутафаккирлари меросида кўп учрайди.

Амир Темур, Алишер Навоий каби давлат арбоблари ва мутафаккирлар ҳам ободонлаштириш, боғ-роғлар барпо этиш, сўғориш тизимларини изчил ривожлантириш каби эзгу ишларни доимо қўллаб-қувватлаган. Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳам ўз асарларида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратган.

Бу борада Абу Наср Форобийнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Унинг “Ҳиндистон дорилари ва доривор ўсимликлари”, “Инсон аъзолари ҳақида рисола”, “Айвон аъзолари ҳақида сўз” каби асарлари алоҳида аҳамиятга эга. Хоразмий ўзининг “Китоб сурат ул-арз” номли асарида 637 та ноёб табиий

жой, 209 та тоғнинг географик тафсилотини, денгиз, дарё ва океанлар ҳавзаси, улардаги ороллар жойлашуви ҳақидаги маълумотларни баён этган.

“Темур тузуқлари”да ушбу масалада шундай ёзилди: “Хароб бўлиб ётган ерлар эгасиз бўлса, ҳолиса (яъни давлат ерларини бошқарувчи маҳкама) тарафидан обод қилинсин. Агар эгаси бўлса-ю, обод қилишга қурби етмаса, унга турли асбоблар ва керакли нарсалар берсинлар, токи ўз ерини обод қилиб олсин. Яна амр қилдикки, хароб бўлиб ётган ерларда қоризлар қурсинлар, бўзилган кўприкларни тузатсинлар, ариқлар ва дарёлар устига кўприклар солсинлар, йўл устида, ҳар бир манзилгоҳда рабботлар қурсинлар”.

Кези келганда шуни ҳам айтиш лозимки, Турон замини дунё миқёсида сўғориладиган деҳқончиликнинг илк Ватани сифатида эътироф этилган. Шу боис ўлкамизда қадимдан сўғориш деҳқончилик кенг ривожланган, ирригация ва мелиорация соҳасида бой тажриба тўпланган. Хоразм, Бактрия, Сўғдиёна, Парфия, Кушон, сомонийлар, қоракхонлар, темурийлар ва бошқа давлатларнинг пайдо бўлишида, сиёсий, иқтисодий, маданий ривожланишида сўғориш ишлари алоҳида ўрин тутгани бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас.

Инсоният тарихида чуқур из қолдирган яна бир аҳдодимиз Абу Райҳон Беруний ҳисобланади. Беруний биринчилардан бўлиб денгизлар назарияси ва Ернинг шарсимон глобусини яратиш юзасидан ўзига хос

Мухтасар айтганда, донишманд аҳдодларимиз табиатдан фойдаланишда унга эҳтиёткорлик ва алоҳида меҳр билан муносабатда бўлган. Шундай экан, биз ҳам шу тутумни ушлашак, экологик муаммоларни ҳар этиш билан боғлиқ ҳаракатларимиз янада самарали бўлади. Зеро, юксак маънавият кўмагида бу муаммоларни ҳал қилиш мумкин.

Борий АЛИХОНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари кўмитаси раиси, Эркин ОМОНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари кўмитаси бош маслаҳатчиси.

ЗАМОНАВИЙ БИЛИМЛИ ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ ТАРИХ ВА КЕЛАЖАК ОЛДИДАГИ МУҚАДДАС БУРЧИМИЗДИР

Президентимиз яқинда матбуотга берган интервьюсида замонавий билим олган, илғор касб-хунарларни, инновацион технологияларни, хорижий тилларни пухта эгаллаган ўғил-қизларимиз мамлакатимизни янада тараққий эттиришда етакчи ўрин тутитини таъкидлади.

Акс садо

Дарҳақиқат, мамлакатимиз таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ана шу эзгу мақсадини рўёбга чиқаришга — юксак билим ва малакага эга, жамият тараққиётига ҳисса қўшадиган илмий ёшларни тарбиялашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Замонавий ҳаётни бугун илм-маърифат тараққиётисиз тасаввур этиб бўлмайди, инсоният ҳам ўқи атрофида айланаётгандек гўё. Жаҳоннинг етакчи давлатларида таълимни ривожлантириш биринчи галдаги вазифа сифатида белгиланиши ҳам бежиз эмас. Негаки, мамлакатнинг келгуси равнақи айнан шу соҳада қўлга киритиладиган ютуқлар билан чамбарчас боғлиқ. Кейинги йилларда бутун мамлакатимиз олий таълим муассасаларида бўлгани каби Навоий давлат педагогика институтидан ҳам бир қатор ижобий ўзгаришлар юз берди. Таълим йўналишлари сони кенгайиб, бакалаврият босқичида 28 тага, магистратурада 17 тага етди. 2020/2021 ўқув йили учун бакалаврият ва магистратурадаги қабул

квоталари иш берувчиларнинг талабларидан келиб чиқиб, ўтган йилдаги қабул режасига нисбатан 30 фоиз оширилди. Шунингдек, 8 та йўналишда кечки таълим шакли ташкил этилиб, бакалавр йўналишига 394 нафар, магистратурага 201 нафар ёш ўқишга қабул қилинди. Маълумки, бугунги глобал миқёсда рўй бераётган инсон саломатлиги масаласи тиббий таълимга ҳам янада эътибор қаратиш заруратини эслатиб қўйди. Шу боис институтимизда жорий ўқиш йилидан анги тиббиёт факультети (“Даволаш иши” ва “Педиатрия” тиббиёт таълим йўналишлари) ҳамда “Ихтимоий иш” сиртки таълим йўналиши очилди.

Ўзликсиз таълим тизимининг асосий мақсади, бу — мактабгача, мактаб ва олий таълим ҳамкорлигини янада кучайтириш бўлганда ҳам қатор амалий ишларни йўлга қўйгани қувонарли ҳол. Умумтаълим мактаблари рейтингида таълим сифатини ошириш мақсадида вилоятдаги қатор мактабларга педагогик



гик ходимлар бириктирилди. Мактабларда ўқувчиларнинг фанга қизиқишларини ошириш, олий таълимга кириш кўрсаткичларини яхшилаш кераклиги кўзда тутилиб, институтнинг профессор-ўқитувчилари мактабларда кимё, биология, тарих, математика ва бошқа фанлар бўйича ўқувчиларга тўғарақлар ташкил этишди. Битирувчилар учун алоҳида олий таълимга кириш тавсияси ва йўл-йўриқларини ишлаб чиқилди. Институт олимлари томонидан 550 миллион сўм ҳажмдаги 5 та илмий-инновацион лойиҳа худудий ишлаб чиқариш муаммолари ечимини бўйича молиялаштириш дастурига киритилганининг ўзи таълимнинг амалиёт билан узвийлиги, янгиланаётган замонавий технологияларнинг ҳаётга татбиқи

«Халқ сўзи» учун махсус

Ўзбекистон Президентининг «Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар» мавзuidaги халқаро конференциясидаги нутқи қирғиз тилига таржима қилинди

Ўзбекистон элчиси Хуршид Мирзохидов томонидан Қирғизистон Ташқи ишлар вазирлиги Дипломатия академиясида брифинг ўтказилди.

Тадбирга Ташқи ишлар вазирлиги, Миллий стратегик тадқиқотлар институти вакиллари, академия илмий-педагогик ходимлари, таниқли олимлар, дипломатлар, сиёсатшунслар, экспертлар, Ўзбек жамоатчилиги фаоллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари тақлиф этилди.

К. Дикамбоев номидagi Дипломатия академиясини ректори Чинара Адамқулова икки мамлакат ўртасида бўлиб турган Ўзбекистон фуқароларининг хоҳиш-иродасини ифода этиш имкониятини сезиларли даражада кенгайтириш янги сайлов қонунчилигига биноан ўтказилмоқда. Жорий сайловнинг энг муҳим вазифаларидан бири — бу ҳар бир сайловчини қамраб оlishдир.

Брифингда Ўзбекистон зиммасига Марказий Осиёнинг энг қудратли иқтисодиёти ва катта меҳнат ресурсларига эга давлат сифатида алоҳида роль ойнагани таъкидланди. Хозирда минтақада кечаётган барча интеграцион жараёнларда Тошкент фаол қатнашмоқда.

Тадбир иштирокчиларига Ўзбекистон Президентининг жорий йил 15-16 июль кунлари Тошкентда бўлиб ўтган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзuidaги халқаро конференциядаги нутқининг қирғиз тилига таржима қилинган матни тақдим этилди.

Брифинг Қирғизистон марказий оммавий ахборот воситаларида кенг ёрпитилди.

«Дунё» АА. Бишкек

СИЁСИЙ ТАДБИРГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

Кеча Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Видеоконференция шаклида ўтказилган мажлисда МСҚ раҳбарияти ва аъзолари, округ сайлов комиссиялари раҳбарлари ҳамда аъзолари, сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари, журналистлар қатнашди.

24 O'ZBEKISTON PREZIDENTI OKTABR 2021-YIL SAYLOVI

Мажлисда Сайлов уасткасини аниқлаш ва ўзгартариш бўйича интерфаол хизмат кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш, оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказиш ва Тошкент вилоятида бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сайловини ўтказиш масалалари қўриб чиқилди.

Тадбирда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг конституциявий ҳуқуқлари амалга оширилишига қўлал шароит яратиш ҳамда сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш мақсадида сайлов уасткасини аниқлаш ва ўзгартариш бўйича интерфаол хизмат кўрсатиш тартиби йўлга қўйилмоқда. Мазкур интерфаол хизматдан доимий ёки вақтинча яшаш жойи манзилига эга бўлган, сайлов қўнига қадар ёки сайлов қўни ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари фойдаланишлари мумкин.

Йигилишда оммавий ахборот во-

ситалари вакиллари аккредитациядан ўтказиш тўғрисидаги МСҚ қарорига мувофиқ 48 нафар маҳаллий ва яна шунча хорижий журналистлар рўйхатдан ўтказилди. Қайд этиш жоиз, шу қўнга қадар аккредитациядан ўтказилган маҳаллий ОАВ вакиллари сони 750 нафардан ошди. Қўн тартибидан яна бир масала Сайлов кодексининг 14, 78 ва 87-моддаларига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси Тошкент вилоят давлат ҳокимияти вакили органлари депутатларининг бўшаб қолган ўрнига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сайлов бўйича қўшма мажлиси 2021 йил 24 август кўни соат 11:00 да Қўбрай тумани, Университет кўчаси, 2-уйда жойлашган Тошкент давлат аграр университети биносида қақирлиши юзасидан қарор қабул қилди.

Шунингдек, тадбирда МСҚ фаолиятга тааллуқли бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилди.

Раҳмон ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

қандай самаралар беришини яққол намойён этмоқда. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида олий таълим сифатини оширишга йўналтирилган “Ўзгаришлар академияси” номли, умумий қиймати 200 минг фунт-стерлинг бўлган халқаро грант лойиҳаси бажарилимоқда. Етақчи хорижий олий таълим муассасаларидан 10 дан ортиқ профессор-ўқитувчилар институтнинг ўзи жараёнига жалб қилинаётгани халқаро ҳамкорлиқнинг тўғри йўлга қўйилганидан далолат беради. Институт республикамизнинг турли вилоятларига етук педагог кадрлар етказиб бериш билан бирга, қўшни мамлакатларнинг ҳам ёшларини замонавий фан ютуқларини эгаллаган ҳолда тарбиялашни ўз олдига мақсад қилган.

Жамият ривожини илм-фанда қўлга киритилаётган кашфиётлар, ютуқлар белгилайди. Институт профессор-ўқитувчилари ҳам бу борада кейинги йилларда бир қатор ютуқларга эришди. Жорий йилнинг ўзида институт профессор-ўқитувчилари томонидан 20 дан ортиқ докторлик ва фалсафа докторлик диссертациялари муваффақиятли ҳимоя қилинди. Институтда илм-фан шугулланадиган ёшларга барча имконият яратилган бўлиб, докторант ва мустақил иزلанувчилар “Устоз — шогирд” аънанаси асосида тадқиқотлар олиб бориляпти.

Институтнинг 2 нафар талабаси — Қумушхон Файзуллаева спортнинг оғир атлетика тури бўйича Япониянинг Токио шаҳрида бўлиб ўтган ёғи Олимпиада мусобақаларида муваффақиятли иштирок этган бўлса, Элбек Султонов Паралимпийа ўйинларида энгил атлетика бўйича қатнашмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, буюк алломаларимиз илм-фан соҳасида буюк кашфиётларни амалга оширганлари ва умумбашарий тафаккур ривожига бекиёс ҳисса қўшганлари тарихдан яхши маълум. Ана шундай қўтлуг аънаналарини давом эттириб, юртимизда янги хоразмийлар, фарғонийлар, берунийлар, ибн синолар, мирзо улугбеклар, навоийларни тарбиялаб етказиш — нафақат вазифамиз, балки тарих ва келажақ олдидаги муқаддас бурчимиздир.

Шу маънода, бугун Навоий давлат педагогика институтида олиб борилаётган ишлар ана шу улугвор мақсадга хизмат қилаётгани жамоамизнинг ҳар бир аъзосига чексиз фавор-ифтихор бағишлайди. Айни пайтда ишимизга масъулиятимизни ҳам янада ошириб, тинимсиз иزلанишга, янада гайрат-шижоат билан меҳнат қилишга ундайди.

Баҳодир СОБИРОВ, Навоий давлат педагогика институти ректори.

Аминманки, ушбу Олимпиада натижалари мамлакатимизда спортнинг барча турларини ривожлантиришга кучли туртки беради. Энг асосийси, бундай ғалабалар ўсиб келаётган ёшларни барча соҳалар қатори спорт бўйича ҳам маррани баланд олиб, доимо ғалаба сари интилиб яшашга ўргатади, соғлом турмуш тарзини ҳаётимиз қондасига айлантиришга хизмат қилади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



САЛОМАТЛИК, ГЎЗАЛЛИК, ГУРУР-ИФТИХОР МАНБАИ, ДЎСТЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ЭЛЧИСИ



велотрек сингари спорт турлари ҳам тилга олинапти.

Юртимизда бугунги кунда оммавий спорт турларига ошно тутиниш аҳоли ўртасида ўзига хос урфга айланиб борапти. Бундан қўзланган асосий мақсад — қандайдир мусобақаларда ғолиб бўлиш эмас, балки биринчи навбатда, навқирон авлод, ўсиб-ўлғаяётган йигит-қизлар, бўлажақ ота ва оналарнинг соғломлигини таъминлаш ҳамда мустаҳкамлашдир.

Бунда Президент ташаббуси билан мамлакатимизда спортни оммалаштириш бўйича беш йиллик миллий концепция ишлаб чиқилгани, аҳолини жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланиб, соғлом турмуш кечиришга жалб қилиш, шу орқали касалликларнинг олдини олиб, одамларнинг умрини узайтириш унинг асосий йўналиши этиб белгилангани муҳим аҳамият касб этапти.

Шу маънода, ёш қизларга спорт билан шуғулланиши учун зарур бўлган барча шарт-шароитни яратиб, бу ишни, айниқса, қишлоқ жойларида, маҳаллаларда болалар спортини ривожлантириш, спортнинг қўллаб оммавий турларига мактаб ёшидаги ўғил-қизларни кенг жалб қилиш устувор вазифага айланди.

Бугун мамлакатимизда бир ярим мингдан зиёд болалар спортни объекти фарзандларимиз ихтиёрида. Улар замонавий спорт инвентарлари ва малакали



мураббийлар билан таъминланган. Қувонарлиси, доимий машғулотларга қатновчилар сафи тобора кенгайиб бораётир.

Айниқса, кейинги йилларда янги Ўзбекистонда спортга эътибор тўдан ўзгарди, фаоллашди. Утган тўрт йилда жисмоний тарбия ва спортга доир Президентимизнинг ўндан ортик Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 100 га яқин меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари қабул қилингани ҳам бунинг тасдиғидир. Улар асосида Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт соҳаси мутлақо янгиланяпти.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 9 мартдаги Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио шаҳри (Япония)да бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлашга оид қарори спортчиларимизни келгусидаги нуфузли мусобақаларга босқичма-босқич тайёрлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда 15 та олимпия заҳиралари коллежи, 329 та спорт мактаби ва 7 та олий спорт маҳорати мактаби фаолият юритмоқда. Уларда 380 минг нафар ёш 30 дан ортик спорт турлари билан мунтазам шуғулланмоқда.

Сўнгги уч йилда олимпия заҳиралари коллежлари ўқувчилари халқаро мусобақаларда 723 та, республика турнирларида 10 мингдан зиёд медалларни қўлга киритгани, қарийб 4 минг 500 нафар ўқувчи Ўзбекистон миллий терма жамоаларига қабул қилингани ҳам амалий саъй-ҳаракатлар шарофатидандир.

Қизиқиш тобора кучаймоқда

Яна бир муҳим томони, бугунги кунда ёшлар орасида авваллари у қадар оммалашмаган спорт турларига бўлган қизиқиш ошиб борапти. Энди футбол, сузиш, байдарка ва канозда эшакка эшиш, дзюдо, бадийи гимнастика, волейбол, кураш, шахмат кабилар қаторида қизлар бокси, оғир атлетика, каратэ, триатлон, хоккей, камондан ўк отиш, мерганлик, от спорти, картинг, воркуат,

Кўлам ва сифат уйғунлиги

Жорий Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йилида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайди. Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини ва аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, оммавий спортни ривожлантириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Зотан, янги Ўзбекистонни қураётган эканмиз, ёшларимизнинг ҳар жиҳатдан қамол имсонлар бўлиб вояга етиши бизни бу қўтлуг манзилга тобора яқинлаштираверади.

Зеро, Ҳаракатлар стратегиясида ҳам мамлакатимизда барча соҳа қатори таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш, ёшларга оид давлат сиёсатини янада такомиллаштириш бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Унга мувофиқ, эртаимиз эгаларининг пухта билим олиши, иқтидор ва истеъдодларини намойён қилиши, спорт билан шуғулланиб, баркамол бўлиб вояга етиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Натижада юртимиз ёшлари ҳар жабҳада дунёда ҳеч кимдан кам эмасликларини исботлаб келаётир.

Жамият тараққиёти ва давлатнинг қўл-қўдратини юксакларга кўтариш, унинг шаънини дунёга таратишда спортнинг ўрни ортиб бораётгани ҳам бунинг тасдиғидир. Республикаимизда мазкур муҳим соҳани жадал ривожлантириш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Зотан, жисмоний тарбия ва спорт-

ни аҳоли ҳаётига кенг татбиқ этиш, ўсиб келаётган авлоднинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш бугунги мураккаб даврда, айниқса, долзарб ҳисобланади. Ёшлар жамият тараққиёти ва мамлакатимиз келажагини белгилаб берад экан, бизнинг вазифамиз уларнинг жисмоний ва руҳий тарбиясига, соғлом турмуш кечиришига ва бўш вақтларини мазмунли ўтказишига жиддий эътибор қаратишдир. Таълим муассасаларида ташкил этилган фан, ҳунар ва спорт тўғралакларини ҳам айнан фарзандларимизнинг порлок истикболлини белгилашнинг муҳим омилли эканини яхши тушунишимиз керак. Ёшларнинг бўш вақти — "душманларнинг иш вақти" эканини теран англаб етишимиз лозим.

Уч муҳим мезон

Жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланган ўғил-қизлар эса биринчидан, соғлом бўлиб ўсади, иккинчидан, уларнинг бўш вақти самарали ўтади, учинчидан, жаҳон ареналарида Ўзбекистон шарафини юксакларга кўтаради.

Спорт юксак маданият, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда ҳам муҳим ўрин тутди. Бу соҳада эришилган ютуқлар мамлакатни дунёга танитди, юртдошларимизга гурур-ифтихор бағишлайди.

Бир ёдга олайлик. Илгари бугунгидай замонавий сузиш ҳавзалари, теннис кортлари ёки гимнастика заллари етти уҳлаб тушимизга ҳам кирмас эди. Мисол учун, сузиш деганда, ариқ ёки каналларда, оддий санитария талабларига ҳам жавоб бермайдиган лойқа сув ва ҳовуэларда чўмилишни тасаввур қилар эдик. Бунинг оқибатида республикамиз аҳолиси, энг ёмони, болалар ўртасида оғир касалликлар ниҳоятда кўпайиб кетгани, оналар ва болалар ўлими бўйича Ўзбекистон соғлиқ интифодаи олдинги ўринларда тургани ҳам кечаги тарихимиздан яхши маълум.

Ҳозир эса вазият мутлақо ўзгарган, шароитлар умуман бошқача. Бунда

Жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланган ўғил-қизлар эса биринчидан, соғлом бўлиб ўсади, иккинчидан, уларнинг бўш вақти самарали ўтади, учинчидан, жаҳон ареналарида Ўзбекистон шарафини юксакларга кўтаради.

Юртбошимиз томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббус доирасида амалга оширилаётган ишлар катта роль ўйнамоқда.

Боиси шу асосда шахар ва қишлоқларда, маҳалла мактабларда янги ва замонавий спорт иншоотлари очилляпти, спорт тўғралакларни сони кўпаймоқда. Бугун уларда минглаб ука-сингилларимиз, ўғил-қизларимиз ўз иродасини тоблаб, кучли бўлиб вояга етмоқда.

Беш муҳим ташаббуснинг иккинчи йўналиши — айнан ёшларни жисмоний чиқинтириш, спорт соҳасидаги қобилиятини намойён қилиши учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилгани ҳам бежиз эмас. Спорт билан машғул ўғил-қизларнинг кундалик турмушида эса тартиб, юриш-туриши, фикрлаш соғлом бўлади. Улар Ватан шаънини улуғлаш масъулияти билан яшайди.

Қалб эҳтиёжи, руҳий кайфият тантанаси

Кейинги йилларда аҳоли ўртасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни кенг тарғиб қилиш борасида кўп ишлар қилинди. Маҳаллаларда, кўп қаватли уйлар атрофида "Саломатлик йўллари", спорт майдончалари қурилди, таълим муассасаларида спорт тўғралакларини очилди, мактаб-интернатлар иш бошлади. Тўғри овқатланиш борасида аниқ чора-тадбирлар кўрилмоқда. Пировардида халқимизнинг ўз саломатлигига бўлган қарашлари тўдан ўзгарди. Бугун оилавий спорт сайрига чиққан, фарзандларини, набираларини етаклаб спорт тўғралакларига қатнаётган инсонларни кўп учратамиз. Қисқача айтганда, спорт биз учун қалб эҳтиёжи, руҳий кайфият тантанасига айланди. Зеро, мутахассислар таъкидлашча, спорт билан мунтазам шуғулланувчиларнинг руҳияти баланд бўлиши фанда исботланган.

Айниқса, коронавирус пандемияси шароитида соғлом турмуш тарзи нақадар муҳим экани янада яққол намойён бўлди. Президентимизнинг 2020 йил 30 октябрдаги "Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ана шу синовли кунларда ҳаётий қудрати билан муҳим аҳамият касб этди. Унда соғлом турмуш тарзини жисмоний тарбия ва спорт билан уйғунлаштириш бўйича стратегик вазифалар белгилаб берилди. Бугун уларнинг ижросига алоҳида эътибор қаратиляпти.

Ўрнак бўлиш саодати

Жисмоний тарбия руҳий тарбия билан ёнма-ён юради. Спортда нафақат жисмоний кучлилик, балки ирода, ҳатто фикрлаш ҳам муҳим.

Гап халқимиз саломатлиги, келажақ авлоднинг жисмоний ва маънавий қиёфаси ҳақида борар экан, Ўзбекистон бугун тўғри эканига амин бўламиз.

Бир мисол. Президентимиз ҳар доим аҳолини даволашдан қўра, соғлом турмуш тарзига жалб қилиш орқали касалликка чалинишининг олдини олиш афзал экани ҳақида қайғуриб келади. Утган йиллар мобайнида шу тамойил кўпчиликнинг ҳаётий ҳақиқатига айланиб бораётганига ғувоҳ бўляпмиз ҳам. Яъни халқимиз орасида соғлом турмуш тарзини танлаб, саломатлигини мустаҳкамлаб келаётган фуқаролар кун сайин кўпчиликини ташкил этмоқда. Бу жараёнда жаҳон ва Олимпиада ўйинлари чемпионлари бошқалар учун намуна бўляпти.

Шу ўринда айтиш жоизки, ўз навбатида, ўсиб келаётган ёш авлодини ватанпарварлик руҳида, азму шижоатли қилиб тарбиялашда халқаро спорт мусобақаларида юксак натижаларни қайд этган спортчиларнинг бой ҳаётий тажрибаси, маҳорати ва салохиятидан кенг фойдаланиш ҳам самаралидир. Ана шу мақсадда Олимпия ўйинлари ғолиблари, жаҳон, Осиё чемпионлари бўлган спортчилар туман ва шаҳарларга бриктирилди, спорт мактабларига раҳбарлик лавозимида тайинланди.

Оммалашаётган тенденция

Яна бир гап. Спортча юриш, югуриш, турникда тортиниш ёки велоспорт, баскетбол, бадминтон, стол теннис билан шуғулланиш учун оддий йўлак, нари борса, кичик майдонча қифоя. Олдинлари маҳаллаларда ана шу спорт турлари билан шуғулланиш учун ҳам шароит бўлмаган. Бугун қайси маҳаллага кирсангиз, спорт майдончалари борлигига ёки қурилатганига ғувоҳ бўласиз. Ҳар кун оммавий ахборот воситаларида оддий аҳоли, ҳаваскор ва профессионал спортчилар ўртасида мусобақалар, спорт тадбирлари ташкил этилаётгани ҳақида хабарларни ўқшингиз мумкин. Оммавий югуриш, тўрт-беш минг кадам пиеда юриш, веломарафонлар ўтказиш, мусобақаларда оилавий қатнашиш яхши аъёна тусини олди.

Буларнинг барчаси бугунги пандемия шароитида муаммоларни ҳал этиш, синовларни мардонавор енгиб ўтишда аини мудадоидир. Энг асосийси, жамиятимизда спортга нафақат мамлакатни дунёга тез танитадиган соҳа, дўстлик ва бағрикенглик тимсоли, деган аъёнавий дунёқараш мустаҳкам қарор топмоқда, балки уни соғлом яшаш ва тафаккур қилишда асосий воситага айлантириш тенденцияси оммавийлашиб борапти. Бу эса глобаллашув ва пандемия даврида ривожланиш, олдинга қўйилган мақсадларни оғишайи, қатъий амалга оширишининг асосий шартларидан биридир. Янги Ўзбекистон ана шундай марраларни қўзлаб, олға интилмоқда.

Маҳмуджон БОЛТАБОВЕВ,
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ректори.



TOKYO 2020
PARALYMPIC GAMES



ЎЗБЕКИСТОНЛИК ПАРАЛИМПИАЧИЛАР ТОКИОГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Бугун Япония пойтахтида XVI ёзги Паралимпия ўйинлари бошланади. Ана шу нуфузли мусобақага юртимиз спортчилари томонидан 55 та йўлланма қўлга киритилган. Бу Ўзбекистон паралимпия ҳаракати тарихида рекорд кўрсаткич ҳисобланади. Паралимпия ўйинларида 48 нафар ҳамюртимиз спортнинг 19 спорт тури — пара-енгил атлетика, пара-сузиш, пара-дзюдо, пара-таэквондо, пара-пауэрлифтинг, пара-академик эшакка эшиш, пара-каноз, пара-ўк отиш бўйича юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

Мусобақада Фирдавсбек Мусабеков, Музаффар Турсунқўжаев, Ислам Асланов, Сабина Суханова, Нурхон Қурбонова икки, Шоҳсанамхон Тошпўлатова уч йўналишда беллашувларда иштирок этади.

Эътиборли жиҳати, 2016 йил Рио-де-Жанейрода ўтказилган XV ёзги Паралимпия ўйинларида Ўзбекистонлик спортчилар томонидан 8 та олтин, 6 та кумуш ва 17 та бронза медаллари қўлга киритилган эди. Уша мусобақада ғолибликка эришган Шерзод Намозов, Ўткир Нигматов, Одиолхон Тўлендибаев (пара-дзюдо), Ҳусниддин Норбеков, Александр Свечников, Нозимахон Каюмова (пара-енгил атлетика), Фирдавсбек Мусабеков, Фотимахон Амилова (пара-сузиш) олтин медаллар билан тақдирланганди. Эътиборли жиҳати, Ҳусниддин Норбеков, Нозимахон Каюмова, Фирдавсбек Мусабеков, Шерзод Намозов каби спортчиларимиз бу сафарги мусобақанинг йўлланмасини ҳам қўлга киритган, демек, уларда яна бир карра Паралимпия ўйинлари ғолиби бўлиш имконияти мавжуд.

XVI ёзги Паралимпия ўйинларида Ҳусниддин Норбеков, Бобуржон Омонов, Бекжон Чеваров, Темурубек Ғиёсов, Мухаммад Рехимов, Донйёр Солиев, Элбек Султонов, Иззат Турғунов, Сабина Суханова, Нозимахон Каюмова, Дилафрузхон Ахмадхонова, Моҳигул Хамдамова, Нурхон Қурбонова, Асила Мирзаёрова, София Бурхонова, Ёқутхон Холбекова, Ёрқин Одилов пара-енгил атлетика, Ислам Асланов, Дмитрий Хорлин, Фирдавсбек Мусабеков, Музаффар Турсунқўжаев, Шоҳсанамхон Тошпўлатова, Нигорахон Мирзоҳидова, Муслима Одилова пара-сузиш, Шерзод Намозов, Учқун Қуронбоев, Феруз Сайидов, Довурхон Кароматов, Шухрат Бобоев, Шариф Ҳалилов, Ширин Шарипов, Лобар Хуррамова, Севинч Салаева, Парвина Самандарова, Нафиса Шерипбоева, Васида Алибоева пара-дзюдо, Азизбек Абдулҳабибов, Ҳайитмурод Шерқўзиёев, Шахноза Мирзаева пара-каноз, Зухриддин Тоҳиров, Зёёдахон Исоқова, Гулжонна Наимова пара-таэквондо, Рўза Қўзиёева, Фарход Умрзоқов, Нуриддин Давлатов пара-пауэрлифтинг, Феруза Бўрибоева, Отабек Қўчқоров пара-академик эшакка эшиш, Сервер Ибрагимов пара-ўк отиш спорт туридаги беллашувларда иштирок этади. Кеча вақилларимиз Токио шаҳрига жўнаб кетди.

Шу муносабат билан пойтахтимиздаги Ўзбекистон миллий паралимпия кўмитасида матонат ва ирода тимсоли бўлган спортчиларимизни тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда қатнашган ота-оналар, кенг жамоатчилик вакиллари, спорт фахрийлари бўлажақ беллашувларда параатлетларимизга муваффақият тилади.

Токио шаҳрига йўл олаётган мамлакатимиз спорт делегациясини кузатиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазيري А. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т. Нурбоева, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. Абдувохитов иштирок этди.

Паралимпия ўйинлари 5 сентябрга қадар давом этади.

Фозилддин АБИЛОВ
(«Халқ сўзи»).

НАФОСАТ

ҲАЁТБАХШ ҚУДРАТ

МИЛЛИЙ РАҚСЛАРИМИЗ ЗАМИРИДА МУЖАССАМ БЎЛГАН УШБУ ҲАҚИҚАТ БУГУН ЯНАДА КЕНГ НАМОЁН БЎЛМОҚДА.

Ҳар бир миллат учун маънавий-маданий мерос буюқ ҳазина бўлиб, инсонларнинг ўзаро муносабатлари асосида шаклланади, сайқалланиб боради, халқаро миқёсга чиқади. Ватанимизнинг бебаҳо маданий бойликларида бири, шубҳасиз, бетакрор миллий рақсимиздир. Ушбу санъатда халқимизнинг мунаввар орзулари, инсоний фазилатлари, мумтоз қадриятлари ва анъаналари ифодаланади. Президентимизнинг 2020 йил 4 февралдаги “Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Рақс санъати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳам маданият ва санъат тараққиётида, ҳам ижтимоий-маънавий ҳаётимизда ўзига хос тарихий воқеа бўлди. Ўзбекистон давлат хореография академияси ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ артисти Гавхархон МАТЕКУБОВА ушбу тарихий ҳужжатлар асосида амалга оширилаётган ишлар, уларнинг ҳаётбахш аҳамияти, миллий рақсимизнинг сирли олами, мазкур санъатни янада ривожлантириш ва жаҳонга тарғиб этиш борасидаги илмий ҳамда ижодий изланишлар, эришилаётган ютуқлар ҳақида сўзлаб берди.



— Кейинги беш йилда озодлик ва ҳурриятнинг, фаровон ва эркин яшашнинг қадрини, мамлакатнинг нуфузи илм-фан, санъат ва адабиётдаги инновацион ютуқлар билан юксалишини тобора теранроқ англаб бормоқдамиз, — дейди Г. Матекубова. — Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар порлоқ келажакка, улугвор максадларга биргалишиб, ҳамжихатлик билан бориш саодатини ўргатади. Президентимизнинг соҳага оид қарорлари бу борада муҳим аҳамият касб этаётди. Ушбу ҳужжатларда халқимизнинг маънавий бойлиги — рақс санъатини ривожлантириш, жаҳон маданиятида тугган ўрнини илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш ва таҳлил этиш, унинг янгидан-янги миллий намуналарини яратиш, соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш вазифалари белгиланган.

Рақслар замирида миллат тарихи ётади

Давлатимиз раҳбари қарори ижросини таъминлаш мақсадида миллий рақс санъатининг мумтоз ва замонавий ижро намуналари “олтин фонди”ни яратишга ҳаракат қилгандимиз. Бу йилда миллий рақсларимиз тарихини чуқур ўрганган ҳолда амалга ошираётган ишларимиз нафақат санъатшунослар, балки халқимиз, дунё жамоатчилиги, санъат мухлислари томонидан илиқ қутиб олинмоқда. Тарихий мавзудаги рақслар ўтмиш билан сирлашсини, табиат ва дунё бўлаки билан ҳис қилишни, бўлаки билан нафосат оламидан баҳра олишни ўргатади. Миллий маданият ва рақс санъати тарихининг туб сир-асрорларини, унинг мураккаб ва чигал нуқталарини топиш, бу нуқталарни замон билан боғлаб, бугунги ёшларга илмий-маърифий жиҳатдан асослаб бериш гоят муҳим. Миллий рақсларнинг қадим илдизлари халқ мифология тафаккурининг илк маданий босқичлари эстетик тамойилларидан дарак беради. Ўзбек миллий рақс санъатининг ифтихориغا айланган “Лазги афсонаси”, “Анахита” рақсларини яратишда айнан шу тамойилларга асосландик. “Лазги афсонаси” катта рақс туркуми ноёб топилмалари билан ҳақиқи равишда маданиятимиз хазинасини бойитди. Кичик заррадек бўлиб кўринган аёл ва белгилардан йирик хулосалар чиқара билиш санъат тарихининг ўзига хос муҳим хусусияти ҳисобланади, биз бу борада халқ орасида машҳур ривоят ва афсоналардан ҳам кенг фойдаландик. Шунингдек, нафақат рақс тарихи ва бу санъатга оид либослар, безаклар ва зەб-зийнатлар, балки улардаги ўзига хосликлар орқали тарихий давр ҳақида тўлиқ тушунча беришга интилдик. Рақс санъатида, ҳусусан, “Лазги” рақсининг тарихига оид, маданиятшунослик илмига янгилик бўлиб қўшилган теран тадқиқотларга, тарихий-илмий-этносоциологик манбаларга таяндик. Президентимизнинг “Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди “ушбу санъатни бугунги кунда жаҳонимиз ҳаётининг барча соҳаларида рўй бераётган туб ўзгаришларга мос ҳолда ривожлантириш, миллий рақснинг турли йўналиш ва намуналарини, мамлакатимизнинг турли минтақаларида шаклланган мумтоз рақс мактабларини қайта тиклаш ва келажак авлодларга безавол етказиш ҳамда бу борадаги таълим-тарбия, тарғибот ишларини кучайтиришни тақозо этмоқда”, дейилган. Шу боис “Лазги афсонаси”, “Анахита”, “Қайроқ сўзлаганда”, “Тошлар тилга кирганди”, “Лаган ўйини”, “Олти халфа”, “Зикр” каби рақсларда, аввало, йўқолиб бораётган фольклор элементларини қайта тиклади. Ҳусусан, “Лазги афсонаси”да ушбу рақс тарихи, шаклланиш босқичлари ва тараққиётининг эстетик-маънавий манзараси, миллий қиёфасини гавдалантиришга уриндик.

вало, ўтмиш билан бугун ва келажакнинг илдизлари туташади. Яна бу мумтоз асарларда улуг устозларимиз Тамираҳоним, Мукаррамахоним ижодларида хос бўлган нафосат ва бадиият Онажон Собировадан мерос жўшқинлик билан уйғунлашиб, кўнгилда ёқимли ҳиссиётлар, қизиқиш ва умид уйғотди. Рақснинг ҳаракатлари ва нозик ишораларида оний воқеа ва ҳолатлар инсон қалб тугёни билан қайта уйғонади, юрагининг энг тубидаги эҳтиросли кечинмалар қайта тирилди. Гоҳ алам, гоҳ шодликда кечган ҳиссиётлар томошабин кўз ўнгига яққол намоён бўлади. Севги оташи, армонлари, садоқат туйғулари тилга киради.

Нозик ишоралар ва рамзлар олами

Хоразм рақслари азалдан сержило ва мафтункор, уларнинг тилсим тўла фалсафаси мураккаб, бир-бирини такрорламайдиган жўшқин ҳаракатлари томошабинни ўзига сеҳрлайди. Либос ҳамда безаклариди ёрқин ранглар ва рангин нақшларнинг ўзи ҳам гўёки рақс тўшаётганга ўхшайди: ниятда жозибали. Рақслар ўзида қалбдаги ёруғ интилишларни, романтик ҳиссиётлар ва ҳаётеварлиқни муҳасаса этгани тўғрисида инсон қалбини ром қилади. Ҳақиқий рақсда абадий нафосат суратлари жў бўлади, уларда ўзига хос яширин тилсизлик, ишоралар ва рамзлар мавжуд. “Лазги афсонаси” ва “Анахита” туркумлари кучли маъно ва моҳиятга эга бўлиб, уларда яшаш ва яратиш ишқи, дунёни ороларда кўраётган ҳаётевар инсон қиёфаси буй кўрсатади. “Уйқудаги гўзал” (“Анахита-2”) туркумининг кўрган томошабин, рақс — ҳиссиётлар ва кечинмалар, нозик ишоралар санъати эканлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилади. Миллий рақслар тараққиётида халқимизнинг тарихий, ижтимоий-сиёсий ва жирофий шароитлари муҳим роль ўйнайди. Қадимда Хоразмда халқ ўйинлари ва рақслари ҳам зардуштийлик билан боғлиқ эди. Зардуштийликнинг асосий мазмуни ёмонлик билан ахшилик ўртасидаги қурашдан иборат бўлган (аслида, бу кураш ҳамон давом этмоқда). Ахурамазда ахшилик, Ахриман ёвузлик маъбудиди. Покланиш маросимларида барча қатнашувчилар ўртада ёниб турган гулханни айланиб, турли хитоблар билан “гоҳлар” ижро этганлар. Ёмонликни ҳайдаб, қулаб, даррлар билан савалатганлар. Уйин иштирокчилари “жаҳу-ёҳу” деб маросим қатнашувчиларини олқишлаб турганлар. “Кишт-кишт-кишт” деб ёмонликни суриб чиқарганлар. Кейинчалик ушбу маросимларда ижро этилган ҳаракатлар илк рақсларнинг пайдо бўлишига олиб қелган. “Анахита” рақсининг мусиқаси сифатида ўша “гоҳ”лардан фойдаландик. Чунки мусиқада ҳам давр руҳи ва рангини, фалсафасини бериш керак эди. Ушанда узок изланишлардан сўнг халфалар ўртасида танлов ўтказилди. Унда Қурбонжон халфа исми кеска аёлнинг ҳуқ қандай мусиқа асосбисиз “Ахува” жоҳларига, унли товушлар билан оҳанг бериши ҳаммани ҳайрат солди. Овози жуда жозибали ва сирли, нолаларидан ўтмиш сурати, зардуштийлар гулханларининг ҳарорати, қадим халқнинг исёнкор руҳи, ҳаёт ва ўлим

нинг юзларида қуёш акси, қалби севиғи оташида ёниб турибди, қоллари учишга шайланган қўшини қанотларини эслатади. Қўлларини тепага қўтариб, қуёшга илтижо қилади. Гўё ёруғлик, эркинлик ва ободлик сўрайди. Қуёш васлига ета олмагани аламида ўртанади. Танаси, ниғоҳлари сўзсиз ишққа, сўзсиз дардга, оловга айланади. Бутун вужуди соғинч ва армонга, муҳаббат ва изтиробга қўнганган мисол, елкалари нафис титрайди. “Қарс” билан армонларни, азобларни кўнгандай ҳаракат қилади. Қўлдастлар бир-бирига чирмашиб, гўё фарёд чекади. Анахита севиғли Анқо қўшига пешвоз чиққиси келади. Малика қуёш нурларини, нурга қўшиб ободлик, фаровонлик ва кут-баракани бутун борлиққа улашади.

...Сувнинг жилдираб оқиши эшитилади. Анахита қўсини тўлдириб нафас олади. Атроф яшанб кетади. Бу бўламлиқни Анқо қўши севиғисига жавоб сифатида қабул қилади. Энди у ҳам завқ билан сайрай бошлайди. “Жаҳу-жаҳу”лар “оҳ-оҳ, оҳ-оҳ”лар билан алмашади. Гўёки бутун табиат шу оҳангга жүр бўлади. Ҳаммаси рақс ҳаракатида қўл ва ниғоҳ, юз ишоралари, тананинг нозик оҳангга мос уйғунлигида ифодаланади. “Анахита”нинг ҳаракатлари ва нозик ишораларида оний воқеа ва ҳолатлар инсон қалб тугёни билан қайта уйғонади, юрагининг энг тубидаги эҳтиросли кечинмалар қайта тирилди, гоҳ алам, гоҳ шодликда кечган ҳиссиётлар томошабин кўз ўнгига яққол намоён бўлади. Рақсда (Дилноза Мавлонова) миллий қарамон, ўтмишининг севиғли маликаси образини саҳнада нафақат юксак маҳорат билан яратди, балки бўламлиқ ва мўлқ-қўлчилик, ободонлик ва фаровонлик маъбудасининг севиғи изтироблари, армонлари, садоқат ҳамда эҳтироси билан яшайди, қувонди ва кўз ёш тўқди. Томошабинлар худди сеҳрлангандай ҳайрат билан рақснинг ҳаракатларини кузатишди...

Бу рақс учун истеъдодли ёш раққоса, Ўзбекистон давлат хореография академияси талабаси Дилноза Мавлонова Мукаррама Турғубоева номидagi республика кўрик-танловининг олий мукофоти билан тақдирланди. Уларни саҳналаштиришда

“2019 йилнинг 12 декабрь куни “Лазги” Инсоният номоддий меросининг репрезентатив рўйхатида Ўзбекистон маданий меросининг элементлари сифатида киритилди. ЮНЕСКОнинг Номоддий меросни асраш ҳукуматлараро қўмитаси “Лазги”нинг Инсоният номоддий мероси репрезентатив рўйхатида асосида маъқуллади.

қўшнай, гармон, қайроқдан фойдаландик. Асарда энг ёрқин бўёқларда “Авесто” даврининг тарихий-эстетик манзараси чиқарилганлиги, Анахита тилсимида аёл қадарининг нозик кечинмалари, олам ва одам муносабатларидаги сирлар, тилсимлар, руҳиятидаги изтироблар муҳасаса бўлганлиги учун ҳам “Анахита” ва “Лазги афсонаси” туркуми халқаро ЮНЕСКО ташиқлотининг қўлаб тадбирларида ижро этилди, хориқлик санъатшунос-мутахассисларнинг эътиборига тушди, энг совринли ўринларини эгаллади, истеъдодли, бўлақ раққосалар Дилноза Мавлонова ва Дилноза Ортиқова ижодининг гултожига айланди.

2016 йилнинг декабрь ойидан ЮНЕСКОнинг Номоддий меросини асраш ҳукуматлараро қўмитаси билан “Лазги” ҳақидаги ёзишларимиз бошланди. Уларнинг саволларига жавоб бериш учун Хоразм Маъмун академиясининг олимиларидан, Урганч давлат университети санъатшунослари, қадимшуносларида ёрдам сўрадик. Ҳусусан, “Авесто” ҳамда Геродотнинг “Тарих”, Абу Райхон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорлиқлар”, қўлаб санъатшуносларнинг илмий асарларини қайта-қайта ўқидик. Археологик қазилмалар натижада Тупроққалъа, Жонбосқалъа, Аёзқалъа, Қўнарликқалъа, Чилиққалъа, Ҳазораси, Довуқалъа, Қирқизтепа, Қалтаминор ёдгорлиқларидан топилган, Маъмун академияси архивларида сақланганда нодир манбалар билан танидик.

Биз узок кутган хушхабар келди: 2019 йилнинг 12 декабрь куни “Лазги” Инсоният номоддий меросининг репрезентатив рўйхатида Ўзбекистон маданий меросининг элементлари сифатида киритилди. ЮНЕСКОнинг Номоддий меросини асраш ҳукуматлараро қўмитаси “Лазги”нинг Инсоният номоддий мероси репрезентатив рўйхатида киритилишини овоз бермасдан, кенг консенсус асосида маъқуллади.

Илмга асосланмаган соҳанинг келажаги бўлмайди

Биз икки йилдан бери Америка рақс академияси учун онлайн дарс ўтгандимиз. Машғулотларимиз уларга хуш келмаётганидан хурсандимиз. Ҳар ҳафта икки соат дарс ўтиш жараёнида улар билан та-



Халқ сўзи Народное слово ТАҶЛОВИГА

миллий ўзликда ҳар бир халқнинг теран, бақувват тарихий илдизлари муҳасаса-лашади, улар авлоддан-авлодга ўтиб бориш жараёнида мазмунан янада бойиб, сайқал топиб, янги наслларга илҳом ва маънавий руҳ бағишлайди.

Ойдин орзулар рўёби

Президентимизнинг Хоразмга ташири чоғида “ҳар йили халқаро “Лазги” фестивали ўтказилади”, деган сўзлари барча лазгисеварлар юрагига олов ёқди. Бу ўзбек халқи номини дунёга танитаётганлар сафидида “Лазги” рақси алоҳида нуфузга эга эканлигини билдириш баробарида санъаткорлар, санъатшунослар ва амалиётчи педагоглар зиммасига улкан масъулият юклайди.

Бинобарин, “Лазги” нафақат ўзбекларнинг, балки дунё халқларининг меҳрини қозongan бўлаётган рақсга эга, балки сирли мусиқа, сеҳрли сўзга вобаста муаззам асар сифатида кўз ўнгимизда намоён бўлади. “Лазги”нинг ҳаётбахш, жозибали кучи, инсон кайфияти ва руҳиятини кўтарувчи сеҳри ҳақиқий мўъжиза эканлигига ишонамиз. У дунё саҳналарини, турли тилда сўзлагувчи одамларни бир-бирига яқинлаштирувчи рақс илдизидан ўсиб, улканлашиб, улугвор Ўзбекистонимизнинг бир бўлағига айланди.

Президентимизнинг 2020 йил 28 сентябрдаги қарориди 2022 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир маротаба 25 — 30 апрель кунлари Хива шаҳрида “Лазги” халқаро рақс фестивали ҳамда унинг доирасида халқаро илмий-амалий конференция ўтказиш белгиланган халқимиз ва дунё жамоатчилиги томонидан катта қизиқиш ҳамда қўтаринчи руҳда қутиб олинди. Зеро, мазкур ҳужжат билан юртимизда улкан санъат байрамига асос солинди.

Қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида “Лазги”нинг яратилиш тарихи ва унинг ривожланиш даврини ўзида тўлиқ қамраб олган музей, “Лазги” ижро йўлида яратилган ижод намуналаридан ташкил топган фонотека, “Лазги”га оид либослар намунаси галерейси, кўргазмалар зали ҳамда артистик кафе, “Лазги” номи илмий-услубий-бадий журнал, “Лазги” хаваскорлик болалар театр-студияси ташкил қилинади.

Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги маърузасида “Маълумки, минтақамизнинг кўнра ва бой маданий мероси глобал аҳамиятга эга. Биз 2021 йилда ЮНЕСКО билан ҳамкорликда қадимий Хива шаҳрида “Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорасида” деган мавзуда халқаро форумни ўтказишга тўғрироқ”, деди.

Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллиги билан бир қаторда мазкур халқаро форумга ҳам қизгин тайёргарлик кўряптимиз. Биз юрт тарихи ва миллий қадриятларга муҳаббатимизни, ўтмиш ҳақида ўқиган, билган ва эшитганларимизни, таъсирларимиз ҳамда ички кечинмаларини рақсларда ифодалаш орқали томошабинни тафаккурга, ҳаёт эъдиқлатлари моҳиятини англашга даъват қиламиз.

Уйлаймизки, нуфузли форумда намоёйиш этиладиган “Лазги афсонаси”, “Анахита”, “Қайроқ тилга кирганди” рақслари узок ўтмишимиз, бебаҳо маданиятимизнинг бой қадимий анъаналари ҳақидаги қимматли маълумотлар хазинаси бўлиб, ёшларнинг маънавий савиясини ва бадиий дидини ўткирлаштиради, уларнинг онгу шуурини миллий гурур ва ижодкорликни шакллантиришда ҳамда хориқлик санъатшунос-тадқиқотчиларнинг миллий рақс санъатимизга қизиқишларини янада кучайтиради.

Истиклолимизнинг 30 йиллигини “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик” шиори остида нишонлашга катта тайёргарлик кўрмоқдамиз. Урганчада Ўзбекистон давлат хореография академиясининг филиали иш бошлади. Яъни афсоналар ўлкаси Хоразм ёшлари учун ўз иктидорлари, истеъдодлари ва салоҳиятларининг олмос қирраларини кашф қилиш учун янги имкониятлар эшиги очилди.

Ўзбек халқига хос меҳр-оқибат, бағрикенглик, очикқўнглилик, орзу-истак ва армон каби фазилатлар ҳикмат бўлоғи бўлиб, улар рақс санъатида ҳам тўлақонли ўз аксини топади. Ундаги жозибали ва сеҳр томошабинни ўзига тортади, эркин ва фаровон ҳаётни, жаннатмонанд Ўзбекистонни севишни, ардоқлашни ўргатади.

Гўзаллик ва эзгулик, меҳр ва муҳаббатнинг, саодатнинг энг ёруғ шуълалари минг йиллар тўфонидан омон чиққан “Лазги” тимсолида, унинг латофатли ижролари — халқимизнинг шурхати ва гурурида, Хоразм рақс ансамбли гулгунчера қизларининг нафосати ва шижоатида, навқирон юракларнинг ойдин орзуларида, ўтли ниғоҳларида намоён бўлиб, бутун мамлакатни, барча ҳаётевар қалбларни ёритиб юборади. Қадим тупроқ тирилди, қўнра оҳанглар янги кун одамларининг юрак зарбларига ҳамоханг элларни, дилларни, тилларни бирлаштиради.

Ўзбекистон давлат хореография академияси катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди Хўлқар ҲАМРОЕВА ёзиб олди.

ЭЗГУЛИК ВА ТИНЧЛИККА ДАЪВАТ

Ёхуд маърифатпарварлик ғояларининг ҳақиқий ворислари.

Муқаддас ислом динимиз қавмдошлар, миллатдошлар, қўни-қўшнилар, банибашарнинг бир-бирлари билан аҳил-иноқликда яшашлари кераклигини ўқиради. Бунни тўғри англаб етиб, ҳалол меҳнат, яратувчанлик фаолияти билан шуғулланганлар тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва ҳар соҳада тараққиётга эришади. Аксинча эса беҳуда уруш-ташлар, миллий ва маънавий парокандаликлар, ҳуда-беҳуда чиранишлар инсонни бахтсизликка юзлаштиради.

Дўстлик ришталари

Қозғистон ва Ўзбекистон халқларининг дўсту қадрдонликлари азалий ўзларига тушиб, ҳам диний, ҳам дунёвий, ҳам ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий жиҳатдан куч олмақда. Давлатларимиз раҳбарларининг кейинги йилларда олиб бораётган саъй-ҳаракатлари ижобий натижалар бераётганига барчамиз гувоҳимиз. Ўйлаيمизки, бунни дунё ахли ҳам қўриб турибди.

Қозғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қозоқ ва ўзбек халқларининг олис тарихий ўзларидан келиб чиққан ҳолда, узоққи қўлгаган ўзаро манфаатли алоқалар олиб боришмоқда ва бунда икки халқнинг маънавий-руҳий олами, диний эътиқоди ҳамма биринчи ўринда бўлишини назарда тутишди.

Борди-келди алоқалари тарихан мустақам илдирига эга бўлган қозоқлар ва ўзбеклар ҳаммиша бир-бирларидан ибрат олиб, ютқларидан қувониб яшайди ва бу уларнинг давлатчилигида ҳам ўз аксини тоглан.

Шуни айтиш лозимки, ҳар икки халқ давлатчилиги асосларида маънавият, маърифат, миллий қадриятлар ислом ақидаларига суянган ҳолда ўзлигини намойиш этиб келган.

Шунинг учун динимизнинг равнақи ҳақида сўз кетганда, у Ўрта Осиёда қувват олганини дунё мусулмонлари яқдид эътироф этишади. Тарихий маълумотлар гувоҳлик беришча, Тошкент, Термиз, Насаф каби шаҳарларда илм-фан, маънавият ва маърифат, адабиёт, санъат илоҳиётшуносликка йўғрилган ҳолда гуркираб ривожланган.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида”ги қарорига қўра, миллатдош буюк шоиримиз таваллудининг 175 йиллиги юртингизда кенг нишонлангани ёдимга тушди. Нега дейсизми? Гап шундаки, Марказий Осиё ҳудудига яшаган барча улуг ижодкорлар меросининг асосида ислом илм-маърифати турар эди. Абай ҳам ўзининг панд-насихат йўсинида ёзилган асарини “Насихатлар” деб атаиди. Унда, жумладан, ўзбеклар ҳақида шундай ажойиб сўзлар ёзиб қолдиради: “...ўзбек деҳқони етиштирмаган ўсимлигининг ўзи йўқ, ўзбек савдогари қадами етмаган жой йўқ, улар ясамаган буюм йўқ, Аҳилликда яшамади, адоват қўзғашмади. Рус савдогарлари йўқлигида қозоқларга кийим-кечак ва марҳумларига кафан келтириб бе-



ришди... Руслар замонида келиб эса аниқларини бошқалардан олдинроқ ўзлаштиришмоқда. Таниқли бойлар, килимдон мулалари, ҳунармандчилик ва мўл-қўллик дейсизми, боадаблик дейсизми — ҳаммаси уларда бор...”

Бу сўзлар замиридаги оға-ини халқларнинг бир-бирига очик нигоҳ билан қараши, таъриба ўрганиш фазилатлари муқаддас динимиз йўриқларига асослангандир.

Аллоҳга минг қатла шукрлар бўлсинки, биродари ўзбеклар билан елкама-елка қозоқлар ҳам ўз мустақиллигини қўлга киритиб, ота-боболарининг азалий қадриятларига амал қила бошлади. Ўзбекистонда бўлгани каби Қозғистонда ҳам масжиду мадрасалар очилиб, ислом динининг маърифати кенг тарғиб қилинмоқда.

Шу ўринда камина Ўзбекистон раҳбариятининг саъй-ҳаракати билан амалга ошган улугвор бир ҳодисани айтиб ўтмоқчиман. Бу ҳодиса БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи сессиясида “Маърифат ва диний бағрикенглик”

деб номланган махсус резолюциянинг илгари сурилгандир. Бугунги глобал дунёда муқаддас ислом динимизнинг аҳамияти, обрў-эътибори ва истиқболини ўзида муҳасам этган бу ҳужжатни қабул қилиш ҳақида Президент Шавкат Мирзиёев ташаббус қўрсатди. Мазкур резолюция нафақат БМТга аъзо барча давлатлар томонидан, балки Шимолий Америка ва Лотин Америкаси, Осиё, Африка ва бошқа қитъаларнинг 50 дан зиёд мамлакатлари билан ҳаммуаллифликда қабул қилинди. Ҳаммуаллифлар қаторида Озарбайжон, Жазиор, Баҳрайн, Беларусь, Гана, Миср, Ҳиндистон, Канада, Қатар, Қирғизистон, Ливан, Марокаш, БАА, Умон, Покистон, Корея Республикаси, Россия, Саудия Арабистони, Сингапур, Судан, Тожикистон, Таиланд, Тунис, Туркменистон, Филиппин, Япония ва бошқа давлатлар бор эди. Бунда Қозғистоннинг ҳам алоҳида ўрни бўлганини мамнуният билан қайд этишни истардим.

Ушбу тарихий ҳодиса аждоқларимизнинг ислом динини янада кенг ҳудудларда тарғиб қилган ҳолда, инсониятга энг тўғри йўлни кўрсатиш ҳақидаги орузсининг амалий ифодаси бўлди. Зеро, ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини дунё жамоатчилигига етказишни муҳим вазифа деб билиб, маърифатпарварлик ғояларини илгари сурганларига унинг ҳақиқий ворислари саналади. Ўзбек заминидан етишиб чиққан буюк алломалар — Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Бурхониддин Марғиновий ва бошқа улуг зотлар тарғиб этган исломий қадриятлар маънавий ҳаётимиз кўзгусидир.

Ўзбек халқи бугунги кунда ҳам буюк аждоқларига муносиб экани Ўзбекистон раҳбарининг мана бу сўзларида ўз ифода-

сини тогган, десак, янглишмаган бўламиз: “Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз.

Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз муҳасамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон мурося қила олмаймиз.

Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади”.

Ислом динига қизиқиш ҳаммиша юксак бўлган. Бунинг исботи ўлароқ илм-фан, маданият, санъат соҳаларида тенгсиз кашфиётлар қилган турли миллатдаги, ҳатто турли диндаги улуг зотларнинг ислом дини тўғрисида юксак ҳурмат-эътиромга йўғрилган сўзларини эслашнинг ўзи kifоя. Бундан қўтнчлик яхши хабардор деб ўйлаймиз.

Бугунги XXI асрда, глобаллашув таъсирида турли маънавий қадриятлар емирилиб, инсон онгу қанбига ғоявий ҳужурлар тобора кучайиб бораётди. Динни никоҳ қилиб, ўзларининг жирканч мақсадларини амалга оширишга уринаётган қўчлар нафақат тинчлик ва барқарорликка, балки ислом дини соғлиғига ҳам қатта таҳдид солмоқда. Шундай вазиятда Ўзбекистонда жаҳолатга қарши маърифат билан курашилаётгани дунё жамоатчилигини жуда хурсанд қилмоқда. Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ҳадис илми мактаби, Термизда Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Тошкентда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ташкил этилгани бу йўлдаги муҳим қадамлардир.



МУСТАҚИЛЛИКНИНГ БОҚИЙ БАЙРАМИ

2021 йил 15 август куни Ҳиндистоннинг Тошкентдаги элчихонасида Ҳиндистон Республикаси мустақиллигининг 75 йиллиги муносабати билан қатта байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда маҳаллий ҳинд ҳамжамияти ва уларнинг дўстлари, санъат ва маданият, илм-фан, адабиёт ва ҳалқ дипломатияси соҳасидаги ўзбекистонлик таниқли шахслар иштирок этди.

Элчихона Ҳиндистон — Ўзбекистон муносабатлари ва халқлари ўртасидаги дўстликни мустақамлашга қўлган ҳиссаси ва хизматлари учун бир гуруҳ юртдошларимизга миннатдорлик сертификатларини топширди.

Лаъл Баҳодир Шастри номидаги ҳинд маданият маркази талабалари, Тошкент ва ҳинд диаспораси аъзолари томонидан ватанпарварлик қўшиқлари, мумтоз рақслардан иборат ранг-баранг маданий дастур намойиш этилди.

Мустақиллигининг 75 йиллиги муносабати билан Лаъл Баҳодир Шастри номидаги ҳинд маданият маркази Ҳиндистоннинг озодлик курашчилари фаолиятига бағишланган фотоқўрғазма ташкил қилди. Қўрғазма очилишидан сўнг элчи Суръат Мирқосимов озодлик курашчиси ва Ўзбекистондаги илк ҳиндистонлик ҳинд тили ўқитувчиси Мадан Моҳан Хардатт ҳақида сўзлади.

Айтиш жоиз, Ҳиндистон мустақиллигининг 75 йиллиги “Azadi Ka Amrit Mahotsav” (Мустақиллигининг боқий байрами) шори остида нишонланмоқда ва байрам тадбирлари 2023 йилнинг 15 августига қадар давом этади.



Реклама ҳуқуқи асосида

ДИЛ ИЗҚОРЛАРИ

Гулчеҳра РИХСИЕВА,
Тошкент давлат
шарқшунослик
университети ректори:



— Ҳиндистон олий таълим муассасалари билан икки томонлама манфаатли ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланиб бормоқда. Мамлакатларимиз азалдан тарихий, маданий ришталар билан боглиқлиги ва давлатларимиз раҳбарлари ўртасида ўзаро ишончга асосланган дўстона муносабатлар ўрнатилгани бунга қатта ҳисса қўшмоқда.

Таълим ва илм-фан соҳасидаги ўзаро муносабатларни янада жадаллаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар Ўзбекистонда, хусусан, Тошкент давлат шарқшунослик университетида ҳиндшуносликни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, дўст ҳинд халқини Мустақиллик байрами билан самимий муборакбод этиб, мустақам соғлиқ, бахт-саодат ҳамда тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Рустам ХОЛМУРОДОВ,
Самарқанд давлат университети ректори:

— Самарқанд давлат университети жамоаси номидан Ҳиндистон Республикаси мустақиллигининг 75 йиллиги муносабати билан самимий табриқлаймиз ва дўст ҳинд халқига сиҳат-саломатлик тилаб қоламиз.

Биз, Ҳиндистоннинг бир қатор етакчи университетла-

ри билан илмий, таълим ва маданий алоқалар олиб бораётганимиздан гоят фахрланамиз. Мамлакатларимиз ўртасидаги маданий-гуманитар алоқалар узоқ ўтмишга бориб тақалади ҳамда бундан буён ҳам янада самарали ривожланади, деб умид қиламиз.



Обиджон ҲАМИДОВ,
Бухоро давлат университети ректори:

— Бухоро давлат университетида Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда Лаъл Баҳодир Шастри номидаги ҳинд маданият маркази билан ҳамкорликда турли тадбирлар доимий равишда ўтказиб келинмоқда.

Ҳиндистонлик етакчи



профессор-ўқитувчилар талабаларимизга дарс

ўтиб, тадқиқотчиларимиз билан биргаликда илмий изланишлар олиб боришаётир. Ушбу тадбирлар халқларимизнинг самимий дўстлиги, бир-бирига бўлган ишончи ва ҳурматидан далолат беради.

Азалий дўст ҳинд халқини Ҳиндистон мустақиллигининг 75 йиллиги муносабати билан табриқлаб, тинчлик, омонлик ва фаровонлик тилаймиз.

Нилуфар ХЎЖАЕВА,
Тошкент давлат шарқшунослик университетининг таржима бўлими бошлиғи:

— Бу йил Ҳиндистон халқи давлат мустақиллигининг 75 йиллигини нишонламоқда. Фаолиятимиз мобайнида хусусан, ICCR стипендияси соҳиблари сўнгги 40 йил давомида ушбу давлатнинг жадал суръатларда ўсиб бораётган иқтисодий та-

раққиётини кузатмоқдамиз.

Асрлар давомида мустақамланиб келган яқин дўстона муносабатлар, шунингдек, айни дамда Ўзбекистон ва Ҳиндистон турли соҳаларда бир-бирини қўллаб-қувватлаб ке-

Баҳром АБДУЛЛАЕВ,
Урганч давлат университети ректори:

— Бутун Ҳиндистон халқини Урганч давлат университети жамоаси номидан миллий байрам — Мустақиллик куни билан табриқлайман!

Биз сўнгги йилларда ривожланиб бораётган таълим соҳасидаги ҳамкорлигимизни қадрлаймиз. Таълим ва технология соҳасида тобора муваффақият қозонаётганимиздан жуда хурсандимиз, чунки бу ҳамкор-



лик яқин келажақда яхши натижаларга олиб келади ва буларнинг барчаси мамлакатларимиз ўртасидаги фаол ҳамкорлик самарасидир. Ҳиндистон халқига тинчлик ва фаровонлик тилаймиз!

лаётгани мамнуният бағишлайди.

Ҳиндистоннинг “Тинчликда яша ва бошқалар тинчликда яшасин” сиёсати дунё халқлари манфаатларини ўзида муҳасамлаштирган.

Ўзбекистон — Ҳиндистон дўстлиги абадий бўлсин.

Фазлиддин АБИЛОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Олмалик филиали
вакант (бўш) профессор-ўқитувчилар лавозимларига танлов ЭЪЛОН қилади.

КОНЧИЛИК ИШИ ВА МЕТАЛЛУРГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ	
1	Кончилик иши кафедраси: профессор (1), доцент (1).
2	Металлургия кафедраси: доцент (1).
3	Кончилик электр механикаси кафедраси: профессор (1), доцент (2).
4	Умумқасбий ва иқтисодий фанлар кафедраси: Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси фани бўйича доцент (1)
ЭНЕРГЕТИКА ВА МАШИНАСОЗЛИК ФАКУЛЬТЕТИ	
1	Машинасозлик технологияси кафедраси: профессор (1), доцент (2).
2	Кимёвий технология кафедраси: доцент (1).
ФАКУЛЬТЕТЛАРАРО УМУМТАЪЛИМ КАФЕДРАЛАРИ	
1	Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси: инглиз тили фани бўйича доцент (1).

Эслатма: чет тиллар кафедраси лавозимларига танловда иштирок этувчилар CEFR халқаро тест тизими даражасини қўлга киритганлик ҳақида сертификат ёки IELTS ва TOEFL халқаро тест тизимларининг тенглаштирилган кўрсаткичлари ҳақида сертификат бор педагог-ҳодимлар имтиёзга эга.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар директор номига ариза билан кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, дипломлар ва аттестатлар нусхалари, илмий ишлар ва ихтиролар рўйхати, малака оширганлик тўғрисида ҳужжатлар нусхаларини топширади.

Аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб 25 августга қадар қабул қилинади.

Танловда иштирок этувчилар синов дарслари ўтади.

Манзилимиз: Олмалик шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, ТДТУ ОФ бош биноси.

Телефонлар: +998949481450; +998944070172; +998977051109.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буяорта Г — 848. 32 300 нусхада босилди, ҳажми — 4 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоли келишилган нархда.

Газетани халқдаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Тахририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термид хамда оператор М. Бегмутов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.

Мусаҳҳиф — Ш. Машираббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 03.50 Топширилди — 05.35 1 2 3 4 5 6